



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ПОСТДА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИБ нашри • 2004 йил 28 октябрь, пайшанба • 44 (3572)-сон



ОИЛА ТИНЧ - ОЛАМ МУНАВВАР

Жиззах вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими рота командири, катта лейтенант Хайрулла Эшонқулов қарийб ўн йилдирки, ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб келаяпти. Унинг фидойилиги инобатга олиниб, 1999 йилда “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Бахмалда Эшонқуловлар оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Негаки, Хайрулланинг турмуш ўртоғи Дилором саранжом-сарийштали аёл. Улар биргаликда икки фарзандни вояга етказишяпти.

Суратда: Х. Эшонқулов умр йўлдоши Дилором ва фарзанди билан.

Б. БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.

УШБУ СОНДА:

**ДИН НИҚОБИ
ОСТИДАГИ
ТЕРРОРИЗМ** 3

**ДУНЁ ҲАФТА
ИЧИДА**



**САҲИФАДА -
АНДИЖОН
ВИЛОЯТИ** 6

**«ДУНЁДА
МЕҲРСИЗ ЯШАБ
БЎЛМАЙДИ»**



Ўзбекистон
Республикаси
Ички ишлар
вазирлиги
Бирлашган
тахририятининг
«ПОСТДА» ва
«НА ПОСТУ»
газеталари ҳамда
«QALQON» ва
«ЩИТ»
журналларига
2005 йилнинг
биринчи ярми
учун обуна
давом этмоқда.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи хотиралари, суд очеркларига қизиқсангиз, нашрларимизга обуна бўлинг. Газета ва журналларда мамлакатимиз ва дунё спорт янгиликлари, теледастурлар, мунажжимлар башорати ва бошқа хабарлар мунтазам бериб борилади. Кроссворд, сканвордлар, “Саломатлик сабоқлари”, “Ниҳол”, “Су-

лола”, “Ибрат”, “Болалар” каби саҳифалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.


Ички ишлар тизимида амалга оширилаётган янгиликлар, дунёда содир бўлаётган оламшумул воқеалардан вақтида бохабар бўлишни истасангиз, газета ва журналларимизга обуна бўлишга шошилинг.

ИНДЕКСЛАРИМИЗ:

«Постда» - 180 (366) «На посту» - 169 (367)
«Qalqon» - 970 - (1083) «Щит» - 971 - (1084)

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Улкан денгиз ҳар қанча
тўлиб-тошса ҳам кичик
дарё сувига муҳтож.



«Постда» газетасининг иловаси
УСШНШН
+
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVITYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.
OLAM

ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

«ПАХТА-2004»



ҲАР МИСҚОЛИ ЭЪТИБОРДА

Жиззах, Андижон, Самарқанд вилоятлари пахтакорлари ҳам давлатга пахта топшириш шартномавий режасини бажаришди. Республикамининг улкан пахта хирмони бунёд этилишида ҳар уччала вилоят деҳқонлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшишганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Миришкорларнинг йил бўйи қилган меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмай ўз вақтида йиғиштириб олиш мақсадида кўп минг сонли ҳашарчилар ҳам жалб этилди. Уларнинг яшаш жойларида жамоат тартибини сақлаш, ҳаркат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, чегара ҳудудларда пахтани кўшни давлатларга олиб ўтиб кетишининг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, пахтакорларга яқиндан ёрдам бериш учун вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг куну тун хизмат ўташлари ташкиллаштирилган. Улар билан бирга маҳалла посбонлари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари фаолият юритишяпти.

Вилоятлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, хусусан, ички ишлар бошқармаси ходимлари пахта нобудгарчилиги ва уни четга олиб чиқиб сотиб, текин даромад топишга уринган кимсаларга нисбатан муросасиз курашишмоқда.

Зафар маррасига етган вилоятлар сафи кундан кунга кўпаймоқда. Шундай бўлса-да, йиғим-терим асло сусайгани йўқ. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида кенг жамоатчилик ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда пахта хом-ашёсини талон-торож қилиниши ва четга ноқонуний йўллар билан олиб кетишининг олдини олиш юзасидан мақсадли тадбирлар давом эттириляпти.


ЎЗ ВАЗИФАЛАРИНИ СИДҚИДИЛДАН БАЖАРИШЯПТИ

Пахта йиғим-терими мавсуми якунланади деб қолди. Унинг муваффақиятли ўтишига ички ишлар ходимлари ҳам муносиб ҳисса қўшишди. Бу мавсум давомида ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилиш ва жамоат тартибини сақлашга тааллуқлидир. Чегара туманларида вазиятни назорат қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу ўринда Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги республика ИИБ «Пахта-2004» тезкор штаби муваффақиятли фаолият кўрсатяпти.

Вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ бошлиғи, подполковник С. Тошматовнинг айтишича, чегара олди ҳудудда 29 та маскан фаолият кўрсатяпти. Бу ерга республика ички ишлар идоралари ва Сирдарё вилояти ИИБ турли бўлинмаларининг ходимлари жалб этилган. Уларга Оқолтин тумани ИИБ ходимлари ҳар томонлама ёрдам беришяпти.

Шу кунларда хизмат жойларига республика ИИБнинг бир гуруҳ раҳбар ходимлари ташриф буюришди. Хизматда ўрнатилган ходимларга ИИБ молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, полковник Ў. Аҳмедов республика Ички ишлар вазири номидан қимматбаҳо совғалар топширди. Моддий-техник ва маиший таъминотга оид мавжуд масалалар жойида ҳал этилди. Сафар давомида мавсумга жалб этилган ходимлар ўз хизмат вазифаларини намунали бажаришяпти, деган хулосага келинди.

Ўз мухбиримиз.



Суратда: «Пахта-2004» штабидаги ИИБ вакили капитан Д. Ҳасанов (чапда) кун давомида бажарилиши керак бўлган вазифаларни муҳофаза қилишти.

Ўткир ИСАХОНОВ олган сурат.

ЮРТИМИЗГА СОДИҚ ЎҒЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Ҳазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарорига кўра ИИБ Қоровул кўшинларига қарашли барча ҳарбий қисмларда ёш аскарларни тантанали кутиб олиш, шу билан бирга белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларни тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири полковник Ш. Чиналиев сардорлик қилаётган ҳарбий жамоада ҳам ўтказилди. Кузатиш маросимини қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Т. Холиқов кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг ҳарбий жамоа фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник В. Лазарев, подполковник А. Азизовлар ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор этишди. Ҳарбий хизмат давомида энг яхши кўрсаткичларга эришган аскарларга олий таълим



муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар берилди.

Уйларига қайтаётган аскарлар кузатиш маросими учун саф тортган шахсий таркиб олдида оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан мардонавор юриб ўтдилар. Ҳа, бугун улар

армия мактабининг гувоҳномасини олишди. Энди ҳар томонлама чиққан бу йигитлар турли жабҳаларда намунали фаолият юрита оладилар, деб ишонч билдирамиз.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ, сержант.
Суратда: тадбирдан лавҳа.

МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

Республика Ички ишлар вазирлиги Шахсий таркиб билан ишлаш хизматида ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш, мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган воқеа – ҳодисалар тафсилотларидан ўз вақтида хабардор қилиб бориш мақсадида ташкил этилган сиёсий-ижтимоий ўқиш ва Маърифат дарсларига белгиланган мавзулар режасига кўра мутахассислар, олимлар таклиф этилмоқда. Бу эса дарсларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилляпти.

Ўтган ҳафтадаги Маърифат дарси Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган эди. Ушбу дарсга

республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари, адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов таклиф этилди.

Нотик давлат тили – ўзбек тилининг бугунги мавқеи бирмунча ошганини таъкидлаш билан бирга Қонуни қабул қилиш тарихи, ўзбек тилининг софлигини таъминлаш учун нималарга эътибор берилиши кераклиги ҳамда бир қатор бошқа жиҳатларга тўхталиб ўтди.

Мазкур ҳафтада эса Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари икки палатали парламент тўғрисида атрафлича маълумотга эга бўлдилар. Чунки айнан бугунги сайловолди жараёнлари арафасида икки палатали парла-

мент тўғрисида батафсил билимга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, навбатдаги маърифат дарсида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раисининг ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор Йўлдош Жўраев иштирок этди.

Ҳуқуқшунос олим икки палатали парламентнинг иш принциплари, афзалликлари ва ваколатлари тўғрисида мазмунли маъруза қилиб, берилган саволларга жавоб қайтарди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, майор.

БОШҚАРМАДА СЕМИНАР

Тошкент вилояти ИИБда бошқарма, мустақил бўлимлар саф қисмлари, ЖИЭМ бошлиқларимиз ўринбосарлари иштирокида ўқув-услубий семинар ўтказилди.

Вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, подполковник Р. Раҳматов жисмоний ва жанговар тайёргарлик ўқувининг ўтган давр натижалари ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифаларга тўхталди. У ходимларни жамлаш, жой-жойига қўйиш борасида суствашилик, камчиликлар мавжуд бўлган айрим шаҳар-туман ИИБларини бирма-бир санаб ўтди. Шунингдек, ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, моддий рағбатлантириш, маънан қўллаш, жиддий



эътибор бериш лозимлигини уқтирди. Уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги, билими, тажрибаси, малакасига тўғри баҳо бериш, тавсияномаларни ҳолисона киритишга асосий диққатни қаратди. Шу билан бирга шахсий таркибга ички ишлар идораларида ўтказиладиган ислохотлар моҳиятини тўғри тушунириш масъулиятини юкланди.

Бўлим бошлиғи, подполковник Н. Алимов ўз маърузасида ўқув машқларини текшириш жараёнида қатор салбий ҳолатлар аниқлангани, бу иш кўрсаткичларининг пасайишига сабаб бўлаётганини таъкидлади. Бундай нуқсонларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан кўрилган чоралар борасида тўхталди.

Семинар сўнгида ходимларнинг саволларига жавоблар берилди.

Иштирокчиларга 2004-2005 ўқув йилида ички ишлар идоралари шахсий таркибининг хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотида амалда фойдаланиш учун хизмат соҳаси йўналишлари бўйича тахминий мавзулар рўйхати, баҳолаш варақаси ва кўргазмали куруллар тарқатилди.

Суратларда: ўқув семинаридан лавҳалар.

Ўз мухбиримиз.

ХИЗМАТДА АСҚОТАДИ

Сурхондарё вилояти ИИБда бўлиб ўтган жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув-услубий семинар ўтган ўқув йили якунлари ва навбатдаги ўқувга тайёргарлик масаласига бағишланди. Вилоят ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, полков-

ник С. Чориев, ШТБХ катта инспектори, капитан Б. Боймуродовлар ўтган ўқув йили якунларини таҳлил қилиб, навбатдаги вазифалар хусусида услубий тавсиялар бердилар.

Ўз мухбиримиз.

Маърифат дарси

Дин-тарбия ўчоғи. Аллоҳ томонидан нозил қилинган муқаддас китоблар: Инжил, Забур, Таврот, Куръони Карим одамларни бир-бирига дўст, биродар меҳр-оқибатли бўлишга чақиради. Ер юзида яшаётган ҳар бир инсон ирқи, миллати, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар Яратганнинг бандасидир. У инсонийлик бурчини бажаргани ёки бажармагани юзасидан Аллоҳ олдида жавоб беради ва ўзининг савоб, гуноҳларига қараб ажрим олади. Дўзах ўтида куйиши ёки жаннат боғларидан макон топиши инсоннинг ўзига боғлиқ. Шунинг учун инсонлар аввало бир-бирини ҳурмат қилса, Аллоҳнинг раҳматига муяссар бўлади.

Бу гаплар бугун айтилаётгани йўқ. Аллоҳ ақл-заковатли этиб яратган инсонлар ер юзида пайдо бўлгандан бери такрорланиб келади, десак муболаға эмас. Аллоҳ бандаларига юборган муқаддас китобларнинг асл моҳияти ҳам шундан иборат. Бас, шундай экан, ҳар бир киши унга итоат этиши шарт, албатта.

Дин тарихига назар соладиган бўлсак, Аллоҳ томонидан юборилган пайғамбарлар одамларни фақат яхшиликка, иймонли, эътиқодли бўлишга

чақиради. Ҳар қандай уруш, жанжал, хунрезликлар Аллоҳга хуш келмаслиги ва уни амалга оширганлар қаттиқ жазоланишини бот-бот таъкидлаганлар.

Афсуски, муқаддас китобларда битилган йўл-йўриқларга ҳар доим ҳам амал қилинавермаган. Айниқса, одамлар орасида айрим сохта пайғамбарларнинг пайдо бўлиши, ўзларини дин пешволари, деб эълон қилиб, дин қоидаларини ўз манфаатлари йўлида ўзгартириб олишлари, ҳатто Аллоҳ томонидан нозил этилган муқаддас китобларни таҳрир этишгача етиб боришлари авом халқни ҳақ йўлдан адаштиришга олиб келган.

Динлар мазҳабларга, ундан гуруҳларга бўлиниши оқибатида тарафкашликлар пайдо бўлган. Мана шу бўлинишларнинг тепасида турган, пешволик қилганларнинг кўпчилиги динни ривожлантириш, одамларни иймон, эътиқодга бошлашдан кўра ўз манфаат-

ларини кўзлаганлар, десак хато бўлмайди. Муҳаммад пайғамбаримиз ҳар қандай гуруҳларга, фирқаларга бўлинишни қаттиқ қоралаганлар.

Мозийга назар ташлайдиган бўлсак, дин

борасида мисли кўрилмаган ютуқларга эришаётган ҳозирги даврга келиб дин ниқоби остидаги ҳаракатлар мақсади ҳам "юксакликка" эришишга қаратилганлигини пайқаш қийин эмас.

Энг ачинарлиси ва дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётгани, дин ниқоби остида ўз манфаатлари учун курашаётганлар четда туриб, бошқаларни ўтга солаяпти. Исломи динида шаҳид деган ибора бор. Муҳаммад пайғамбар замонида ислом дини энди тарқалиб бораётган даврда мушриклар, бутпарастлар ислом дини тарқалмаслиги учун жон-жаҳдлари билан кураш-

дин ниқоби остида турли хил ҳийла-найранг ишлатиб, ўзини гўё дин ривожи учун курашаётган қилиб кўрсатаётганлар фуқаролар, айниқса ёшларни ўз томонларига оғдириш учун миллионлаб маблағ сарфлашапти. Уларга ҳомийлик қилаётганларни эса одамларнинг қурбон бўлиши, вайронгарчиликлар қизиктирмайди, мақсадга эришиш йўлида ҳар қандай манфурликдан қайтмайдилар.

Россиядаги содир этилган йирик террорчилик ҳаракатларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Террорчилар гарчи ўз мақсадларига эриша олмаган бўлсалар-

фикр ҳам ҳаётдан йироқ. Чунки инсоннинг қайси динга эътиқод қилиши ўзига боғлиқ. Бу унинг фуқаролик ҳуқуқи. Қолаверса, ер юзида яшаб ўтган пайғамбарлар ғайридинларга нисбатан ҳурмат-эътиборда бўлганлар, фақат уларни ҳидоят йўлидан адашмасликка, ҳақ йўлни танлаб олишга даъват этганлар.

Террорчилик ҳаракатидан азият чекаётган мамлакатлар сони тобора кўпайиб борапти. Юқори мартаба, давлат, бойликка эришиш асл мақсади бўлган, дин ҳомийси, пешвоси, куюнчаги сифатида танилган раҳнаомлар чекинаётгани йўқ.

Улар бугун бу ерда, эртага эса бошқа жойда хунрезлик қилишаёпти. Ўз мақсадлари йўлида ҳатто маслақдошларининг қонини тўкишдан ҳам тоймайдилар.

Республикамиздан ташқарида, диний экстремистлар қароргоҳида бўлиб, қочиб келган бир

ийигит радиого берган интервьюсида, жангарилар тайёрланаётган лагерда мақсадимиз йўлида тўкилган қон барча гуноҳларни ювиб кетади, деб уқтиришганини айтди. Қаранг, ўзини тақводор, дин учун курашувчи қилиб кўрсатувчи жангари тинч аҳолининг қонини тўкармишу, унинг гуноҳлари ювилармиш. Куръони Каримда эса, қасддан бировнинг қонини тўккан киши қиёматда дўзахи бўлади ва ўша ерда қолиб кетади, дейилган.

Одамларни бир-бирига ёв бўлиб, қонини тўкиш, ўз манфаатини кўзлаб, хунрезлик, биродаркушлик қилиш муқаддас китобларда қораланган. Дин ниқоби остида террорчилик ҳаракатларини уюштираётганлар буни яхши билсалар-да, амал қилмайдилар. Жаҳон ҳамжамияти бирлашиб, ана шундай манфур ниятли кимсаларга қарши курашиши лозим. Шунда курраи заминда тинчлик ва осойишталик ҳукм суради.

Содриддин ШАМСИДИНОВ.

ДИН НИҚОБИ ОСТИДАГИ

ТЕРРОРИЗМ

ниқоби остида кўплаб ғаламисликлар хунрезликлар, ҳатто катта-катта урушлар бўлиб ўтган. Натижада минг-минглаб бегуноҳ кишилар қурбон бўлган, шаҳар-қишлоқлар вайронага айланган. Бироқ динлар ўртасида ўзаро биродарликни мустаҳкамлаш учун курашган, улуғ кишилар ҳам кўп бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонни забт этгандан кейин, давлатдаги мавжуд динлар ўртасида ҳар хил нифоқлар чиқишининг олдини олиш мақсадида Агра шаҳрида будда динидагилар учун ибодатхона, христианлар черкови ва мусулмонлар масжидини қурдиради. Ҳар бирининг бунёд этилишини ўзи назоратга олиб, бир хил тарзда таъмин этилишини буюради. Бу билан ҳар бир инсон Аллоҳнинг бандаси, иймонли, эътиқодли бўлиши шарт ва бунга шоҳ сифатида ғамхўр эканлигини исботлайди.

Инсоният тараққиётининг чўққиси сари интилиб, илмий-техника

ганлар. Улар ислом динига кирганлар, уларнинг бола-чақаси, қариндош-уруғларини аёвсиз ўлдира бошлаган. Ана шунда пайғамбаримиз ислом динини сақлаб қолиш, уни кенг тарқалиши учун курашга отланадилар. Бу йўлда қурбон бўлганлар шаҳидлар деб аталган. Аммо ҳозирги кунда белига портловчи моддалар боғлаб, бегуноҳ кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлаётганларни шаҳидлар қаторига қўшиб бўладими, деган савол туғилиши табиий.


Христиан насроний динидаги мавжуд мазҳаблар ўртасидаги кураш, айтиш мумкинки, қон тўкишлар кимлар учундир фойда бераётгандир. Айирмачиларнинг террорчилик ҳаракатлари кўплаб фуқароларнинг қурбон бўлишига олиб келяпти. Японияда пайдо бўлган "Аум синрикё" оқимдагилар сири очилганда, унга эътиқод қилганларнинг кўпи ёқа ушлаб қолганлари сир эмас.

да, кўплаб бегуноҳ кишилар, жумладан болаларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлдилар. Бу жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ғазабга келтирди.

Террорчилик на мамлакат, на миллат, на дин танлашини бўлиб ўтаётган хунрезликлардан билиб олиш мумкин. У ҳатто йирик, ривожланган давлатларни ҳам таҳликага солиб қўйди. Кутилмаган пайтда ва жойда рўй бераётган террорчилик ҳаракатлари кишиларни янада хушёр бўлишга даъват этаёпти.

Кейинги пайтда ислом динида пайдо бўлган турли оқимлар ва уларга эргашаётганларнинг мақсади сароб орзудан нарига ўтиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Яхлит халифаликни тузиш борасидаги фикрларни олайлик. Исломи дини бутун ер юзига ёйилган бир пайтда унга эришиш мумкинлигига ишониб бўладими? Ёки бирор бир давлатни тўлиқ бир динга ишонадиган фуқаролардан иборат қилиш ҳақидаги

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Хитойдаги "Дапинг" кўмир шахтасида қутқарув ишлари давом этапти. Портлаш натижасида қурбон бўлганлар сони бугунги кунгача 120 кишидан ошди. Яна 26 нафар шахтёр бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Аммо мутахассисларнинг фикрича, уларнинг тирик қолганига деярли умид йўқ. Қутқарув ишларида жами 225 кишидан иборат 19 та отряд иштирок этмоқда. Улар бедарак йўқолганларни топиш ва қурбон бўлганларнинг жасадларини ер юзасига олиб чиқиш бўйича барча имкониятларни ишга солишяпти.

Бошқа давлатларнинг вакиллари портлаш чоғида жабрланганларнинг оила аъзоларига ўз ёрдамларини таклиф этишмоқда. Жумладан, Россиянинг Кемерово вилояти губернатори хитойлик ишчиларнинг яқинларига ҳамдардлик билдириб, ҳалок бўлган шахтёрларнинг оила аъзоларига зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, Хитойнинг Хэнань провинциясидаги бу авария 20 октябрь куни юз берган эди. Портлашга газ конининг тўпланиб қолгани сабаб бўлган. Фалокат пайти ер остида 446 нафар кончи бор эди. Улардан 298 киши ўзлари мустақил равишда тепага чиқишга муваффақ бўлишган.

Шуни қайд этиш керакки, кончилик Хитойда энг хавфли касблардан ҳисобланади. Расмий маълумотларга қараганда, шу йилнинг ўзида ишлаб чиқаришда юз берган аварияларда 98 мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди. Деярли ҳар ой бундай бахтсиз ҳодисалар қайд этилиб турилади. Мана, бир неча йилдирки, ҳокимият вакиллари мазкур соҳада хавфсизлик чораларини кучайтириш борасида ваъда берадилар. Ҳозирча сезиларли ўзгаришлар юз бергани йўқ.

Энг мудҳиш фалокат Хитойнинг кончилик соҳасида бундан тўрт йил аввал Гуйчжоу провинциясида юз берган эди. Ушанда метан газининг портлаши 162 кишининг ҳаётига зомин бўлган.

ТЕРРОРЧИЛАР ҲИБСДА

Мисрнинг Тоба ва Нуэйба шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари иштирокчилари тез орада суднинг қора курсисига ўтириши мумкин. Мамлакат Ички ишлар вазириликнинг масъул ходим-

бўлган. У ва яна бир кўпоровчи-мисрлик Сулаймон Аҳмад Солиҳ ўзлари Тоба шаҳридаги "Hilton" меҳмонхонасида уюштирган портлаш чоғида ҳалок бўлишди. Яширинишга улгуролмаганларнинг сабаби, қўлбола бомба муддатидан олдин портлаб кетган. Яна икки гумондор ҳамон қидирувда.

Маълум бўлишича, террорчиларнинг ўзлари соат механизми бомбаларни ясаган экан. Портловчи моддаларни эса 1956–1973 йилларда Синай саҳрасида қолдирилган ўқдорилар орасидан олишган. Бу ҳақда ҳибсга олинганларнинг бири айтди.


Эсингизда бўлса, 8 октябрга ўтар кечаси содир этилган ўша террорчилик ҳаракатлари бутун Миср аҳлини ларзага солганди. Биргина "Hilton" меҳмонхонасида юз берган портлашда 30 дан ортиқ одам ҳалок бўлган, 150 дан зиёд киши жароҳатланганди. Жабрланганлар орасида Миср, Исроил, Италия ва Россия фуқаролари бор эди.



лари бу жиноятда гумонланаётган бир неча шахс ҳибсга олинганини хабар қилди. Ҳозирда тўққиз террорчидан беш нафарини полиция қўлга олган. Уларнинг барчаси мисрликлар. Ҳаммаларига айб эълон қилинди. Мамлакат ИИВ тарқатган баёнотга кўра, оромгоҳларга уюштирилган ҳужумнинг асосий ташкилотчиси фаластинлик Айд Сайд Салоҳ

ҚУШЛАР САБАБ

Таиландда тарқалган парранда гриппи Россияга ҳам етиб келди. Тахминларга кўра, бунга Жануби-Шарқий Осиёдан учиб келган қушлар сабаб бўлган. Вирус уй ҳайвонларига, улардан одамларга ҳам ўтиши мумкин.



Афсуски, Таиландда касалликдан одамлар ўлмоқда. Йил бошидан бери парранда гриппидан ўлганлар сони Жануби-Шарқий Осиёда 30 нафардан ошди. Таиланд ҳайвонот боғида эса ушбу касалликка чалинган 23 бош йўлбарс нобуд бўлди. Муассасанинг айрим ходимларида ҳам хасталик аломатлари аниқланди. Ҳозирда ҳайвонот боғи ёпиб қўйилди.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Исроил ва Фаластин ўртасидаги низо яна кучайди. Душанбага ўтар кечаси Исроил авиацияси фаластинлик қочоқлар лагерига ракета зарбалари берди. Натижада камида 14 киши ҳалок бўлиб, 25 киши яраланди.

Исроил ҳарбийлари кўмондонлиги мазкур лагердан мамлакат ҳудудига ракета зарбалари берилаётгани учун шундай чора қўлланилганини айтди. Вазиятнинг танглашуви Исроил Кнессетида Ғазо секторидан қўшинлар ва яҳудий аҳолисини кўчириш масаласи муҳокама қилинаётган бир пайтга тўғри келди.




ЁВУЗ РЕЖАЛАР

Аслан Масхадов ва Шомил Басаев шу йил 1 сентябрда Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатини такрорлашни режалаштиришяпти. Бу ҳақда Шимолий Кавказда аксилтеррор операцияларини бошқариш бўйича минтақавий тезкор штаб вакили, генерал-майор Илья Шабалкин баёнот берди.

Унинг айтишича, тезкор ходимлар бундай маълумотларни Чеченистон Республикасининг Ножай-Юрт туманида яширинча фаолият кўрсатаётган Раппани Халилов бошчилигидаги гуруҳнинг икки жангарисидан олишган. Бу жангарилар ўз ихтиёрлари билан келиб қуролларини топширишган. Тезкор штаб вакилининг сўзларига қараганда, улар тинч аҳолига нисбатан кўпоровчилик ҳаракатларида иштирок этиш, хусусан, болаларга жабр етказишни исташмаганлари учун таслим бўлишган. "Ўзлари таслим бўлган жангариларнинг гувоҳлик беришларича, Аслан Масхадов ва Шомил Басаевдан тўда раҳбарига янги террорчилик ҳаракатларида иштирок этиш учун одам ажратиш бўйича кўрсатмалар келаётган экан", – деди И. Шабалкин.

Раппани Халилов 30 ёшларда, асли доғистонлик. Муддатли ҳарбий хизматни Россиянинг Чегара кўшинла-



рида ўтаган. Ашаддий ваҳобий. 1998 йилгача хусусий новвойхонада ишлаган. Кейин қариндошларига пул ишлаш учун Ставрополга боришини айтган. Бир неча ой Чеченистондаги жангарилар лагеридан махсус тайёргарликдан ўтган. Россиялик асир аскарларни қатл этишда, қатор террорчилик ҳаракатларида қатнашган. 1999 йил Доғистонга бостириб кирган Басаев отрядида Хаттобнинг дала кўмондони сифатида иштирок этган. "Доғистонни кофирлар ва уларга ёрдам берувчилардан тозалайман", – деб эълон қилган у.

СЕЙСМОЛОГЛАРНИНГ ТАХМИНЛАРИ

Мана, неча кундирки Япония ҳукумати вакиллари яқинда юз берган zilzila оқибатларини аниқлашяпти. Қурбонлар сони эса борган сари кўпаймоқда. Ҳозирда ўлганлар сони 30 нафардан ошди. Уч ярим мингга яқин киши жароҳатланди. Юз мингдан зиёд киши ҳамон махсус ташкил этилган пунктларда яшашяпти. Кўплар ўз машиналарида ёки очиқ осмон остида тунамоқда. Аксига олиб ҳаво ҳарорати кечаси +10 даражага тушиб кетяпти. Тинимсиз ёғаётган ёмғирлар ер кўчишига сабаб бўлиши мумкин.



Ҳукумат вазиятни энгиллаштириш учун барча чораларни кўрмоқда. Фалокат юз берган ҳудудда кенг миқёсли қутқарув тадбирлари ўтказилмоқда. Уларга армия ва полиция жалб этилган. Минглаб одамлар вертолётлар ёрдамида хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Зилзила Хонсю оролининг ғарбида юз бериб, тўхтаб-тўхтаб деярли бир кеча-кундуз давом этди. Баъзи силкинишлар Рихтер шкаласи бўйича қарийб 7 баллга етди. Кучсиз силкинишларнинг сони эса 300 га яқин. Табиий офат 2,5 мингдан зиёд уй-жойни, 1,3 минг маъмурий бинони вайрон қилди. Шанбадан буён 270 минг уй электр таъминотисиз қолган. Ер кўчиши оқибатида Нагаока ва Токамати шаҳарлари ташқи оламдан узилиб қолишди. Тезюрар поездлар қатнови тўхтатилган. Баъзи бир автомагистраллар ҳам ёпиб қўйилди.

Яқинда юз берган "Токагэ" тўфони ҳам кўплаб японлар бошига кулфат ёғдирган эди. Энди мамлакатга "Нок-тен" тўфони ёғилиши кутиляпти. Окинава префектураси оролларида огоҳлантириш эълон қилинган.

Маҳаллий сейсмологлар олдинда табиатнинг янги инжиқликлари турганлигини тахмин қилишмоқда. Олимларнинг айтишича, япон ороллари сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Шунинг учун яқин орада янги zilzilalar юз бериши мумкин. Экспертлар бир неча ўн йилдан кейин кучли ер ости силкиниши бўлиб, Токиони вайрон қилиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас, деб тахмин қилишмоқда.

Ҳали японлар ўзига келмасдан туриб, янги табиий офат Эронда юз берди. Мамлакатда Рихтер шкаласи бўйича 3,8 балл zilzila қайд этилди. Ҳозирча жабрланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида жиддий ислохотлар ўтказилмоқда. Мақсад одил судлов самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини изчил ҳимоя этишдан иборат. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилаётган, жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётган экан, қонунларимиз ҳам халқаро ҳуқуқ андозаларига ва меъёрларига тўғри келиши талаб қилинади. Бу борада мамлакатимиз парламенти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Лекин ҳозирги кунда бу борада ўз ечимини кутаётган масалалар ҳам йўқ эмас.

Тан олиш керак, шу кунга қадар суриштирув ва тергов жараёнида далиллар тўплашда жиноят-процессуал қонунчилиги талабларига тўлиқ риоя қилмаслик ҳолатлари учраб қоларди. Қолаверса, жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам далиллар мақбуллиги масаласи етарли даражада ёритилмаган эди. Шу маънода 2004 йил 24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий

суди Пленумининг "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Қарори қабул қилингани айни муддао бўлди.

Бу ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклаб, улар томонидан ўтказилаётган суриштирув, тергов ва суд жараёнида фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта эътибор беришларини талаб қилади.

Авваламбор, ҳар бир ички ишлар ходими амалдаги қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, қолаверса, давлатимиз томонидан тан олинган "Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси", "Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенция" каби кўплаб халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар талабларини пухта билишлари ва уларга тўла амал қилишлари лозим.

Бундан ташқари, суриштирув ва тергов жа-

раёнида далиллар жиноят-процессуал қонуни талабларига амал қилган ҳолда олиниши, расмийлаштирилиши, қолаверса, ушбу ҳаракатлар тегишли ваколатга эга бўлган ходимлар томонидангина ўтказилиши шарт. Акс ҳолда ушбу талаблар риоя қилинмай тўпланган ва олинган далиллар жиноят ишларини судда кўриш жараёнида номақбул (яроқсиз) деб топилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қуйида эълон қилинаётган Қарори қонунларимизни халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослаштириш йўлида ташланган катта қадам ҳисобланади. Мазкур ҳужжат ички ишлар ходимлари учун суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида дастурамал бўлмоғи лозим.

Газетхонлардан мазкур Қарор юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазалари ҳамда саволлари билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Тергов Бош бошқармаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида

Жиноят-процессуал қонунининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий принциплари – айбсизлик презумпциясига кўра шахс унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

Ҳукм фақат қонунда белгиланган тартибда тўпланган далилларга асосланган бўлиши лозим.

Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жиноят иши бўйича суриштирув, дастлабки тергов юритиш ва уни судда кўриш даврида жиноят-процессуал қонунининг далиллар ва исбот қилишга оид нормаларига асосан риоя этилмади.

Шу билан бирга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни тартибга солувчи қонун талабларини бузиш ҳолатлари барҳам топмаган.

Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатларидан фуқароларни ҳимоя қилиш самарасини кучайтириш, улар томонидан Конституция ва Жиноят-процессуал кодекси талабларига риоя этилиши ва бажарилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тушунтирилсинки, ЖПК 11-моддасида мустаҳкамланган қонунийлик принципи мувофиқ ҳар бир жиноят иши бўйича иш юритиш жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонунни аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекинмиш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг номақбул (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Номақбул далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан Жиноят-процессуал кодексининг 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

2. Суриштирув, тергов органлари ва судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, исбот қилиш жараёнида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги масалани тўғри ҳал этиш муҳим ўрин тутди.

Далиллар мақбуллигининг шартлари қуйидагилар: далил тегишли субъект то-

монидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши; далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Судларга тушунтирилсинки, далиллар мақбуллигига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

3. Далиллар, жумладан, қуйидаги ҳолатларда номақбул деб топилди, агар:

1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топширигисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига

олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЖПК 76-моддасида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, масалан, жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор-қидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга хилоф усул билан, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан: а) прокурорнинг санкцияси олинмиши шарт бўлган ҳолатларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқдорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг қийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар орқали олиниши;

г) эксперт хулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек, эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олиниши;

д) ҳимоячининг, иштироки шарт бўлган ҳолатларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олиниши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг ЖПК 116-моддаси талабларига хилоф равишда ўз розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши;

4) далилларни қайд этиш-

нинг процессуал формаси бузилган бўлса;

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

тергов ва суд бошланган ва тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги;

ЖПК 90-93-моддаларида назарда тутилган бошқа талабларнинг бажарилмаганлиги.

Жиноят-процессуал қонуни талаблари бузилган тарзда олинган бошқа ҳолатларда ҳам далиллар номақбул деб топилмиши мумкин.

4. Тергов органлари ва судлар шуни назарда тутишлари лозимки, тўплаш пайтида йўл қўйилган қонун бузилиши сабабли номақбул деб топилган айрим далиллардан исбот қилишда тегишли процессуал ҳаракатлар белгиланган талабларга амал қилган ҳолда ўтказилгандан сўнг фойдаланилиши мумкин (масалан, тергов ёки суд ҳаракати ўтказиш баённомаларида айрим маълумотлар ёки бандларнинг йўқлиги, башарти бу камчиликни холислар, ушбу ҳаракатнинг бошқа иштирокчиларини, зарур ҳолатларда эса, терговчини сўроқ қилиш орқали бартараф қилиш имконияти бўлса).

Шу билан бирга, номақбул деб топилган айрим далилларни, уларнинг юридик табиғати кўра, тиклашнинг имконияти йўқ (масалан, қонунга мувофиқ розилиги олинмиши шарт бўлган ҳолатларда жабрланувчини, гувоҳни унинг розилигини олмай туриб такроран сўроқ қилиш, шахсни ёки нарсани таниб олиш учун такроран кўрсатиш ва ҳ.к.). Бу эса, исбот қилувчи субъектни муайян ҳолатни тасдиқловчи восита сифатида мазкур далилга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этади.

5. Тергов органлари ва судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, иш бўйича ҳар

қандай қарор қабул қилишда, шу жумладан айблов хулосаси ва ҳукмда номақбул далилларга асосланиш мумкин эмас.

Номақбул деб топилган далилларни тиклашнинг имконияти бўлмаган ҳолатларда суд ишни қўшимча тергов юритиш учун қайтармасдан, тўпланган далиллар мажмуидан келиб чиққан ҳолда ишни мазмунан ҳал этиши керак.

6. Қонун бузилиши оқибатида олинган далил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан номақбул деб топилмиши мумкин.

Далилни номақбул деб топилмасаласи гумон қилинувчи, айбланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий жаъвобгар томонидан қўйилиши мумкин.

7. Суд далилни номақбул деб топганда, уни далиллар мажмуидан чиқариш тўғрисида асослантирилган қарор қабул қилади ва бу ҳақда ҳукмнинг тавсиф қисмида кўрсатади.

8. Судларга тушунтирилсинки, ишни мазмунан кўриш пайтида ҳар бир инстанция суди, тарафларнинг илтимосномаси билан чиқарилган далилни мақбул деб топилмиши тўғрисидаги масалани қайта муҳокама этиши мумкин.

9. Судлар ҳар бир жиноят иши бўйича суриштирув, тергов олиб бориш, шунингдек, суд муҳокамаси даврида жиноят-процессуал қонунининг исбот қилишнинг умумий шартларига оид талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текширишлари ва йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдиришлари, зарур ҳолатларда эса, Жиноят кодексининг мансабдорлик жиноятлари ёки одил судловга қарши жиноятлар учун жаъвобгарликни назарда тутувчи моддалари бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

Ф. Ф. МУҲИТДИНОВА.

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Х. М. ҲАСАНОВ.

САҲИФАДА — АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

БУРЧИГА СОДИҚ ЙИГИТЛАР

Бугунги кунда Андижон вилояти ИИБ ППХ батальони шахсий таркиби Андижон шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, тунги назоратни кучайтириш борасида бир қатор ишларни олиб боришмоқда. Кўплаб жиноятлар улар иштирокида иссиғида очилишига эришиляпти.

Жумладан, тунги 23.00 ларда Андижон шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига шаҳардаги ёғ-мой комбинати оддидан Олтинқул туманидаги ширкат хўжаликларидан бирига тегишли "ГАЗ-51" русумли машина-


ни номаълум шахслар олиб қочганлиги ҳақида хабар келди. Мазкур жиноят хусусида маълумот берилаётган вақтда ППХ батальони 4-отряди командири, капитан Режабали Холиқов, отряд ходимлари сержант Отабек Солиев ва сафдор Муҳаммадали Юсуповлар Андижон шаҳридаги "Болалар боғи" ҳудудида ўз хизмат вазифасини бажараётган эдилар. Улар ҳушёрликни ошириб, боғ рўпарасидаги кўчадан ўтиб бораётган транспорт воситаларини қатъий назоратдан ўтказиб бошлашди. Шу пайт олиб

қочилган машина ўтиб қолди. Тўхташ ишорасига биноан тўхтаган ушбу машинадан икки йигит тушди-да, боғ томонга қараб қочиб кетишди. Улар ортидан етиб борган ходимларимиз "тунги саёқлар"ни қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Улар Андижон шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Жамол ва Т. Шаҳоблар эканлиги маълум бўлди.

ППХ батальони 1-отряд командири шахсий таркиб бўйича ўринбосари, катта лейтенант Азизбек Жабборов Хўжабод тумани ИИБ

тезкор ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган "Қорадори" тадбирида гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланишда гумонланган Андижон шаҳрилик И. Каримни тўхтатадилар. Холислар иштирокида текширилганда, чарм камзулининг чўнтагидан героин топилди.

Андижон шаҳридаги "Янги бозор" ҳудудида ноқонуний валюта савдоси билан шуғулланаётганларни аниқлаш бўйича ўтказилган тадбирда иштирок этган ППХ батальони инспекторлари, лейте-



нантлар Ҳабибулло Содиков ва Ёқубжон Ҳозиевлар фуқаро А. Юсупов 750 АҚШ долларини 761250 сўмга сотаётганида қўлга олишди.

Бир сўз билан айтганда, ППХ батальони ходимлари эл-юрт осойишталиги йўлида садоқат кўрсатиб хизмат қилмоқдалар.

Носиржон ИНОМОВ,
подполковник.

ХАЛОСКОР

Ўша куни Андижон тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими, катта сержант Хусниддин Эргашев Норин дарёси ва Қорадарё кўшиладиган жойда жойлашган сув тақсимлаш иншоотида хизмат ўтаётган эди. Кундуз соат тўртларга яқин у сувда чўкаётган аёлни кўриб қолди. Жувон жон талваосида қирғоққа интилар, лекин оқим уни шлюз томон оқизарди.



Эргашев кўп ўйлаб ўтирмасдан аёлни кўздан қочирмасликка ҳаракат қилиб ўзини сувга олди. "Тезроқ сузишим керак. Бўлмаса улгурмайман", — хаёлидан ўтди унинг.

Бир неча сония ичида Хусниддин аёлга етиб олди, бир қўли билан уни ушлаб, иккинчи қўли ёрдамида сузиб амаллаб қирғоққа етганида бошқа одамлар ҳам етиб келишди. Ҳушидан кетган аёлни сунъий нафас олдиришди, "Тез ёрдам" чақирди. Маълум бўлишича, жувоннинг исм-шарифи Нодира Рустамова бўлиб, оилавий жанжал туфайли жонига қасд қилиб, ўзини дарёга ташлаган экан.

Катта сержант Хусниддин Эргашев 1997 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилади. У фаолияти давомида ўзини ташаббускор, интизомли, масъулиятни ҳис қиладиган ходим сифатида намоён этди. Касб маҳорати, ўз вазифаларини талаб даражасида бажариб келаётгани учун раҳбарият томонидан кўп бора рағбатлантирилган. Унга ҳаммиша омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Салоҳитдин НУРИДДИНОВ,
капитан.

Суратда: катта сержант Хусниддин Эргашев.

Айрим хонадон эгаларининг бепарволиги, қолаверса, эҳтиётсизлиги оқибатида вилоятнинг, шаҳар ва туманларидаги хонадонларда ёнғинлар содир бўлиб, кўплаб моддий ва маънавий зарар кўришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қайд этилган ёнғинларнинг 85 фоизи хонадонларда рўй берган. Бунинг оқибатида беш фуқаро ҳалок бўлди, 49 киши эса турли даражада куйиш тан жароҳати олди.

Ёнғинлар асосан электр симларининг носозлиги, очик оловдан нотўғри фойдаланиш, ёш

ЭҲТИЁТСИЗЛИК
КУЛФАТ КЕЛТИРАДИ

болаларнинг ўт билан ўйнашлари, табиий газдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида келиб чиқмоқда.

Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида яшовчи Б. Умаркуловнинг уйида очик оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнғин чиқиб, хонадоннинг 140 кв. метр қисми ҳамда уй-рўзғор буюмлари ёниб, катта миқдорда зарар келтир-

ди. 30 ёшли А. Ҳақимов 50 фоиз куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Асака тумани, "Ўзбекистон мустақиллиги" маҳалласида яшовчи Х. Акбарова тандирга ўт ёқишда эҳтиётсизлик қилгани боис алангадан юзи, қўллари куйди. Хўжабод тумани Иттифоқ қишлоқ фуқаролар йиғини Мундуз маҳалласида яшовчи Х. Тўхтаев, Шаҳрихон

шаҳар Охунбобоев кўчасидан М. Боқиева ва тўрт ёшли қизи Дилраболар ҳам алангадан турли даражада тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилдилар.

Буларнинг барчаси газ асбобларидан фойдаланганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, бир сўз билан айтганда, эҳтиётсизлик оқибатида юз берди. Инсон ҳаёти ва соғлиғини, эл-юрт бойлигини ёнғиндан асраш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Буни унутмайлик.

Нодирбек ОЛИМОВ,
катта лейтенант.



Асака шаҳри нафақат юртимизда балки хорижда ҳам автомобиллари билан машҳур. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган автомашиналарга талаб тобора ошиб бормоқда. "ЎздЭУавто" кўшма корхонаси кўриқлаш бўйича ППХ ротаси ходимларининг хизматлари туфайли корхона ҳудудида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳодисаларининг сони тобора камайиб бормоқда. Бу эса ички ишлар ходимларининг ўз касбига масъулият билан ёндошишлари натижасидир.

Суратда: ППХ ротаси милиционер, сержант Яхё Мадраҳимов хизмат пайтида.

ИККИ МИЛЛИОНЛИК «ГУНОҲ»

Ойбек автобекатга келиб, бир оз дам олмоқчи бўлди. Ҳали нафас ростлаб улгурмасидан сал нарида ўтирган аёлларнинг гаплари диққатини тортди.

— У киши Қорасувдан мол ташийди-да. Шунинг учун егани олдида, емагани ортида, — деди биринчи аёл.

— Э, ҳа, шунинг учун уйдан одам аримас экан-да, а?

— Ҳа-да! Савдогарлар уйига келиб мол олиб кетишди. Аслини суриштирсангиз, унинг бирорта ҳам ҳужжати йўқ. Қилаётган ишларининг ҳаммаси ноқонуний.

— Тавба, баъзи одамлар шундай ишлар билан шуғулланиб юрса ҳам биров билмайди-я?

— Қаёқда! У кишини ҳамма билади. "Шолдира-

ма"лик Иброҳимжон десангиз, ҳамма танийди.

Ойбек бирдан сергак тортди. Аёлларнинг қолган гаплари қулоғига кирмади. Аста ўрнидан туриб, ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа юрди. Ахийри, бир қарорга келиб, шахдам қадамлар билан нари кетди.

У шу кетганча "Шолдирама" қишлоғига борди. Бояги аёл тўғри айтган экан. Биринчи дуч келган одамдан "Қорасувдан мол олиб келадиган Иброҳим аканинг уйи қайси?" — деб сўраган эди, шу заҳотиёқ кўрсатиб берди.

— Энди, ака, гап бундоқ, — Иброҳим акага юзланди Ойбек. — Мен вилоят солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасида хизмат қиламан. Устингиздан ариза тушган.

Иброҳимжон бирдан сергак тортди.

— Ариза дейсизми? Қандай ариза?

— Эшитишимча, Қорасувдан мол олиб келармишсиз? Андижон шаҳридаги жуда кўп савдогарлар сиз билан алоқада экан. Тагин, бунинкор этиб юрманг-а. Мен ўзим ҳам сизни анчадан бери кузатиб юрибман.

Иброҳимжон оёғи куйган товукдек тинчини йўқотди. Ойбек эса бамайлихотир сўзида давом этди:

— Ҳа, майли, бўлмаса гап бундоқ. Ё молингизни мусодара қиламиз, ё ҳаммасини "босди-босди" қилиб юборамиз. Нима дедингиз?

— Ҳаммасини тинчитиб юбора қолайлик.

— Биламан, сиз ҳам

бола-чақа, тирикчилик деб шу ишни қиялпсиз. Аммо устингиздан тушган аризани йўқотиш осон бўлмайди. Негаки, бу иш кўпчилик раҳбарларнинг назоратида.

— Ука, — ялингансимон сўз бошлади Иброҳимжон, — нима қилсангиз қилинг, аммо бу масалани "тинчитиб" беринг. Шундоғам қарзларимни узолмай қийналиб юрибман. Бирим икки бўлармикин, деб шу ишга қўл урган эдим.

— Лекин...

— Тушунарли, — ҳозиржавоблик билан жавоб қилди Иброҳимжон. — Сиз айтгандек бўлади.

Ойбек икки миллион сўм эвазига унинг ишларини

"тинчитиб" юборишга ваъда берди.

Ойбек аслида ҳеч қаерда ишламайдиган фирибгар эканлигидан беҳабар Иброҳимжон белгиланган пайтда бир ярим миллион сўм пулни келтириб бергач, кўнгли ниҳоят ўрнига тушди. Ойбек эса шу кундан бошлаб маишатга берилди. Унинг ҳаракатларидан шубҳаланган Иброҳимжон обдон ўйлаб, бу ҳақда Андижон шаҳар ИИБга хабар беришни лозим топди.

Андижон шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ойбек Ҳамидов яқинда суд ҳукмига биноан тегишли жазосини олди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

«Noemga» gazetasining ilovasi



UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Инсон руҳияти сирлари

Ўтган асрнинг 20-йиллари охирида Ленинграддаги касалхоналардан бирида ғалати воқеа рўй берди. Тунги навбатчиликда қолган шифокорлар ва уйқусизликдан қийналадиган беморлар учинчи қаватнинг энсизгина карнизи устидан дорбозлардек усталлик билан юриб кетаётган ҳамширани кўриб ҳайратдан қотиб қолишди. Битта қилиб ўриб юрадиган сочи товони ни ўпадиган бу қизни ҳаммалари яхши билишарди. Ҳамшира хонасига кириб, қайчини олиб хуснига хусн қўшиб турган сочини шартта қирқиб ташлади. Маълум бўлишича, у ойпарастлик (лунатизм) касаллигидан азият чекар, юқоридаги хатти-ҳаракатларини уйқусида – ўзи сезмаган ҳолда бажарган экан.

Бу касалликни тиббиёт мутахассислари сомнамбулизм деб ҳам аташади. Ойпарастлар қадимдан бўлган. Улардан кўрқинган, жирканишган, ҳатто бундайларни ўлдиришгача бориб етишган. Фақат Исо Масих замонидан бошлаб ойпарастликка касаллик сифатида қараладиган бўлди. Бу ҳақда Инжилда ҳам зикр этилган. Жумладан, авлиё Матфей Исо Масих турли касалликларга: тутқаноққа чалинганлар, жин чалганлар ва ойпарастларни даволай олганлиги ҳақида баён этади.

Ойпараст уйқу ва уйқоқлик ўртасидаги одам. У нотинч ухлайди, дамба-дам чўчиб тушади, титрайди, бир нималарни гўлдирайди, ўтириши, туриши, уй ичида юриши, ҳатто ҳеч бир тўсиққа урилмасдан кўчага чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда унинг кўзлари катта-катта очик бўлади, юзида деярли ҳеч қандай ифода сезилмайди. Сомнамбулизм хасталигига чалинганлар шу ҳолатда осон, содда ишларни бажаришлари мумкин. Аммо ўзлари нима қилаётганларини англамайдилар, уйғотсангиз қилмишларини эслолмайдилар. Одатда ойпарастларнинг кўллари билинар-билимас титрайди, таналарини сал-пал тер қоплаган бўлади. Тунги “сайрлари” бир неча сониядан ярим соат, ҳатто ундан кўпга ҳам чўзилиши мумкин. Уларнинг 25 фоизи уйқуларидан ўзларига турли хил жароҳатлар етказишади. Аммо ойпарастларни уйғотиш хатарли, сабаби кўрқиб кетиб кулаб тушишлари ёки кўлларида тигли нарсалар бўлса, ўзларига санчиб олишлар эҳтимоли бор.

Турли мутахассисларнинг фикрига кўра, одамларнинг уч фоизигача, жумладан болаларнинг 15 фоизи ойпарастлик касаллигига у ёки бу даражада мойилдир. Айниқса, 6-12 ёш ораллигидаги ўғил болаларда бу хасталик кўп учрай-



Ойпарастлар

Уларга ҳақиқатан ҳам Ой таъсир қиладими?

ди. Улар одатда улғайган сайин уйқуда юришни бас қилишади. Аммо хасталик аломатлари тўққиз ёшдан юзага чиқа бошласа, болалар вояга етгач ҳам бу давом этиши мумкин. Шифокорларнинг кузатишларича, чарчаш, хавотирланиш, баъзи дориларни узоқ вақт қабул қилиш ва спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ҳам кечаси уйқуда дайдишга сабаб бўлади.

Кўпинча мияси органик жароҳат олганлар, тутқаноқ ва баъзи асаб касалликлари билан оғриганлар ойпарастликка чалинадилар. Каттиқ ҳаяжонланганлар, стрессларни бошларидан кечирганлар ҳам кечалари уйқусида юриши мумкин. Безгак, энцефалит, мигрень касалликлари сомнамбулизмни келтириб чиқарган ҳолатлар ҳам фанга маълум.

Болаларнинг асаб тизими жуда нозик, таъсирчан бўлади. Улар кўрқинчли фильмлар

кўришса, шовқин-сурон таъсирида ҳам касалликка чалинадилар. Ўсмирлар эса мактабдаги имтиҳонлар пайтида қаттиқ чарчашса, ҳаяжонланишса, ойпарастлик аломатлари юзага чиқади.

Ойпарастлар уйқуларидан гаройиб, ажабтовур хатти-ҳаракатлар содир этишлари қайд этилган. Англиянинг Портсмут шаҳрида яшовчи бир ойпараст кунларнинг бирида уйқусида ўрнидан туриб, автомобилига ўтириб, эллик чақиримлар йўл босади. Қизиги шундаки, у аварияга учрамаган. Фарб матбуотида уйқусида расм солган мусаввирлар ҳақида ҳам кўп ёзишган.

Германиядаги бир оилада ғайритабиий ҳодисалар юз бера бошлади. Оила аъзолари ҳар куни эрталаб туришса, уйдаги буюмларнинг жойи ўзгарган бўларди. Улар турли хил тахминларга боришди. Болалар шўхлик қиляптими, деб ўйлашди. Балки бу ўғрилари-

нинг ишидир, деган ўй ҳам хаёлларидан ўтди. Охири бир куни ярим кечаси оила аҳли уйғониб кетиб фаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. Қарашса, ўзлари стол атрофида ўтирарди. Демакки, уларнинг бари ойпараст экан!

Юқорида илгари сурилган илмий фикрларга қарамай, сомнамбулизм табиати, сабаблари ҳали охиригача ўрганилмаган. Шифокорлар уни асаб касалликларининг бир тури деб ҳисоблашади. Уйқу бир неча босқичдан иборат. Мудраш, чуқур уйқу кабилар шулар жумласидандир. Киши тез уйқуга кетса, туш кўради. Ойпарастлар эса чуқур ухлагандагина юришади. Бу кўпинча ярим кечаси ёки эрталабга яқин юз беради.

Ўрта асрларда ойпарастликни тутқаноқ (эпилепсия)нинг аломатларидан бири деб ҳисоблашарди. Ҳақиқатан ҳам тутқаноқ касаллигига чалинганларнинг аксари уйқусида

юришади. Аммо ҳаммаси эмас. Иккинчи томондан, ойпарастларнинг кўпчилиги тутқаноқ хасталигига чалинишмаган. Эпилепсия касаллигини аниқлаш учун беморнинг мия биотокларини текшириб кўриш (электроэнцефалограмма қилиш) кифоя. Лекин ойпарастликка мойилликни аниқлаш анча мураккаб. Масалан, нафас олиш аъзолари ва юрак-қон томир тизими касалликларига чалинганлар ҳам баъзан кечалари уйқусида юриб чиқишади. Хасталикнинг суяк суриши, яъни наслдан-наслга ўтиши ҳам тасдиқланган. Одатда ойпарастларнинг аждодларидан кимдир бу касаллик билан оғриган бўлади.

2002 йил баҳорида Америка неврология Академияси томонидан ўтказилган анъанавий симпозиумда мутахассислар ойпарастлик генетик касалликдир деган хулосага келишди. Афсуски, ҳозирча олимлар айнан қайси генлар уйқунинг бундай бузилишига жавобгар, сабаб бўлишини аниқлай олганлари йўқ. Шунинг учун касалликнинг узил-кесил давоси топилмаган. Одатда шифокорлар ойпарастларга турли транквилизаторлар, антидепрессантларни тавсия этишади.

Халқ таъбирига кўра, Ойнинг сирли таъсири одамлар кечаси уйқусида юришларига сабаб бўлармиш. Фан бу фаразни инкор этади. Аммо бунда муайян боғлиқлик бор. Ернинг табиий йўлдоши заминдаги тирик ва ўлик табиатга у ёки бу даражада таъсир этиши аниқ. Айрим ҳашарот ва балиқ турлари Ойнинг муайян ҳолатига қараб кўпайишади.

Айнан Ой тўлганда кўпинча кишилар инфарктга чалинишади, турли касалликлар кучаяди, ишлаб чиқаришда, йўлда йирик фалокатлар юз беради. Одамлар жиззаки бўлиб қолишади, тез толиқишади. Балки Ой ойпарастларнинг шундоқ ҳам таъсирчан асаб тизимига таъсир қилар. Сомнамбулизм билан ҳар хил ривояту миш-мишлар боғлиқ. Қадимда айрим мамлакатларда ойпарастларни шайтонга сизинувчилар, унинг режаларини амалга оширишга кўмаклашувчилар деб аташган. Уларни тентак, деб руҳий касалликлар шифохоналарига ётқизишган ҳоллар ҳам бўлган. Европада эса насронийлик кучайган сари уларга муносабат ўзгариб борди. Бу динда киши ухлаганда танасини руҳ тарк этади, деб ҳисоблашади. Шунинг учун ойпараст уйғотилса, у руҳсиз қолади, дейишлари бежиз эмас...

BOLALAR SAHIYASI

DARS

BARCHA JAVOBLAR – TO'G'RI





Drudlilarni hajvchi yozuvchi Rojer Prays yaratgan. Drudli-bu nima ekanligini aniq aytib bera olish mushkul bo'lgan boshqotirma – topishmoq, turli rasmlar demakdir. Ularning yordamida farzandingizning ijodiy qobiliyati rivojlanishi bois drudlilar katta qiymatga egadir.

Praysning "Drudlilar" va "Klassik

"Klassik drudlilar" deb nomlangan kitoblari 50-yillarda nashr etilgan bo'lib, keyinchalik ham bir necha bor qayta chop etilgan. Uning boshqotirmalari shunchalik mashhur bo'lib ketdiki, ulardan hatto turli tele-shoularda foydalana boshlashdi. Boshqotirma bo'sh vaqtni ko'ngilli o'tkazish uchun drudlilardan foydalanish usullaridan biridir. Ammo drudlilar yordamida jiddiroq masalalarni ham yechish mumkin. Chunchi, ruhshunoslar katta yoshdagilar va bolalarning bilimga oid qobiliyatlarini test va tadqiq qilishi uchun ulardan foydalanadilar. Bundan tashqari drudlilar bilan shug'ullanish

tafakkurni rivojlantirishga hamda masalani hal qilishga turli tomondan yondashishga yordam beradi.

Drudli tugallanmagan rasm yoki rasmining bir qismi yohud kutilmagan nuqtadan yasalgan buyumning rasmiga qiyoslash mumkin. Drudlilar shunday g'aroyib narsaki, u insonni chuqur mulohaza yuritishga, fikrlashga undaydi va bunda topilgan topishmoqlarning birontasi ham noto'g'ri bo'lib chiqmaydi. Masalan, mana bu rasmda tasvirlangan



narsa nima o'zi?

Balki kostyumiga kapalakka o'xshash bo'yinbog' taqib olgan odamni lift eshigi qisib qolgandir? Yoki bu kapalak arqon bo'ylab yuqoriga intilayotgandir? Balki bu oynada o'z aksini ko'rayotgan uchburchakdir? Yoki bu stol

ustidagi qumsoatdir? Yoxud ustundagi ikkita ovoz kuchaytirgichdir? Haqiqatdan ham ushbu rasmda o'nlab hima-xil vaziyatlarni ko'ra olishingiz mumkin va bunda har bir javob to'g'ri bo'lib chiqadi. Chunki yagona javobning o'zi yo'q. Mana, yana 3 ta drudlini olib, har biriga uchta masalani olib o'ylab toping. Birinchi masalani o'ylab topish oson, ikkinchisi qiyin, uchinchisini esa o'ylab topish juda mushkul. Bu sizning tafakkuringiz yaxshi rivojlanmagan bo'lsa ko'plab mashq qilishingizni taqozo etadi.

Birinchi masala juda oddiy ekanligini nazarda tuting va buni o'z yaqinlaringizda sinab ko'ring: buni siz bir-biriga o'xshash javoblar berishingiz ehtimoldan xoli emas. Barcha bolalar ko'pincha bishni mushkul ahvolga solib qo'ysalar ham ularning tasavvuri kattalarga nisbatan birmuncha mazmunliroq va kutilmagan bo'ladi.







O'TGAN SONDA BERILGAN BOSHQOTIRMANING JAVOBLARI:

Madagaskar, Brenlandiya, Bolqon, Vralgee, Marmara, Norfolk, Saxalin, Timor, Tayvan, Kamchatka,

Bo-buriy	Sof	Ost	Qon so'ruvchi ha-sharot	Poyezd vagoni turi	Angliya yada janob
			Uy hay-voni	... sehr-garlar mamla-katida	...-mador
Ko'-chirma gap	... Napa-leon				
Ma-shina qismi					Kichik res-toran
El, ulus	Bino, inshoot			Hattob	
				Qa-dimgi urug'	
	Nav turi	...-uqubat		To'ti-qush turi	
Yevro-pada unvon	To'da Yo'l bosh-lovchi			Maktub	...-mulk
					Chohar-yordan biri
			Marhum fut-bolchi		
Musiqa yozuvi	...-qozon			Ko'r-satkich olmoshi	Ma!
			Ko'r-satkich olmoshi	Daryo (Rossiya)	

UYGA VAZIFA


Butun oilangiz bilan mashq qiling. Har kim hech bo'lmaganda ikkitadan masala o'ylab topsin. Faqat unda birinchi so'zni farzandingiz ixtiyoriga bering. Zero, bularning hammasini bolangiz uchun o'ylab topdik. Bu bir-biridan g'aroyib topishmoqlar va boshqotirmalar siz uchun ham qiziqarli ekanligiga yana bir karra amin bo'lasiz.



O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORDNING JAVOBLARI:

Nuqta. Alpomish. Chopar. As. Taroq. Ola. Ingichka. Oid. Charos. Matematika. Ip. Aro. Gilos. Chinor. Archa. Ikki. Da. Naql. Ga. Ashula.

RASMLARDAGI BESHTA FARQNI TOPING



ТАЙШАНБА, 4

ТЕЛЕДАСТУРЛАР



Ўзбекистон телеканаллари

5.05 Рамазон туҳфаси. 5.25 "Халқ севган дostonлар", 2-қисм. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"

Ёшлар телеканаллари

6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 "Мунаввар тонг". Информацион-дам олиш дастури.

Sport телеканаллари

7.30 "Хабарлар". 7.45 "Бардам бўлинг". Тонгги дам олиш дастури.

Тошкент телеканаллари

17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: "23, 5 даража бурчак остида".

30-й канал

12.00 Очкеш дастури. 12.05 "Теле-хамкор". 12.30 "Детский час".

ОРТ

6.00 Телеканал "Доброе утро". 9.00 Новости. 9.05 "Московская сага".

РТР

3.00 "Доброе утро, Россия!". 6.45 Елена Яковлева, Сергей Николенко, Сергей Гармаш и Андрей Ильин в телесериале "Каменная-3. Седьмая жертва".

НТВ

6:00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ". 9:05 Детективный сериал "БЕЗ СЛЕДА: ПАДЕНИЕ", 2 часть (США).

ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего. 9.00 Телесериал "ДОРОГИ ЛЮБВИ".

ТНТ

5.55 Москва: инструкция по применению. 6.20 "ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САН-СЕТ БИЧ". Телесериал. 314-я серия.

ДТВ

8.30 Музыкальная программа "ZTV". 9.20 Музыкальная программа "Неслучайная музыка".

СТС

8.00 "ФАДЖ-НЕПОСЕДА". Сериал. 8.20 Программа мультфильмов: "Рикки-Тикки-Тави", "Парасолька на охоте".

7 ТВ

7.00 8.00 11.30 19.30 6.00 Линия жизни. 7.30 14.30 17.30 20.30 24.30 5.30 6.30 Диалоги о рыбалке.


ТВ 3, пайшанба 13.00 Комедияли жангари фильм "МАХФИЙ АГЕНТ РОЙС"

(ТАЙНЫЙ АГЕНТ РОЙС) Ройс "Кора туйнук" номли ўта махфий махсус хизмат ходими.

У АҚШ ҳукуматининг махсус топшириқларини бажаради. Аммо мазкур махфий ташкилот фаолияти учун жавоб берувчи сенатор уни тарқатиб юборишга қарор қилди.

Ролларда: Жеймс Белуши, Питер Бойл.



	... Бех-будий	Ўзбек меъ-мори								Ният			1				
					Шифо-кор	Магнит				Холи-сона гап ... ман			Ичим-лик		Сузиш усули		
2													3		Стул қисми		
					Бадий ижод тури	Аёл исми							Рақам		Мате-риал		
										Шинни қолдиғи	Жаво-хир	Эъти-бор					
												Йўл					
	Фао-лият низоми	Уммон ша-моли	Бир-лашма	Фран-цуз скрип-качиси									Найза				
		Қасос			4								Олимпия ватани				
	Ранг-баранг	Кимё мод-даси				Фар-мон	Махмуд ... (Ватан-парвар)							Тамон	Чидам		
					... дон	Туркма-нистон-даги шаҳар											
	... стер-линг	Кимё-вий модда								Польша валю-таси	Мерган-лик жойи						
			Роҳат								Қаллик		... Хораз-мий	Ёсир...			
Аме-рика тоғи	6	Греция тоғлиги				Ток кучи ўлчови				... бот	Курук мева		Тана	Гап бўлағи			
	... барака				Ирок-даги шаҳар		8				Йўл кўрсат-кич	Модда бўлағи	7				
	Ранг, ашё	Фикр ифо-даси		Сутка қисми	Фази-лат	Заҳар						Газ					
				Аёл исми								Ўзбек хонан-даси			Ахлоқ		
						Хитой сози	Жосус	Ти-зимча				Самоа ороли мар-кази					
								Масофа ўлчови	Даво муола-жаси				Масал асос-чиси	Мўғи-листон чўли			
					Аме-рика дав-лати	Голланд футбол жамоаси		Кўй зоти	Ёрик		Ўра	Ота (шева)		Тоза-ловчи ишчи			
									Ибо	9							
					Волида	Металл	10	Иш қийими			Завқ ифо-даси		11	Евро-падаги дарё			
					Пул бир-лиги	Идиш		Бўёқ ашё		Рақам	Катта мас-жид						
Авто кузов тури	Тўлик тех-шириш	Кул-гили асар	Дўппи беағи		Рўзгор буюми	Тармоқ											
					Торли соз					Тақин-чок							
	... Бой-тоев				Бадах-шон шаҳри	12											
	Ўзум нави				Юз қисми	Донли экин	Оз			Мос жойла-шиш							
					Қо-вурма егулик										Ҳисоб илми		
4	6	1	—	4	12	1	12	5	12	3		2	1	8	8	5	—
12	5		2	1	10	5	9	1		1	11	4		7	6		

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: "Панчатантра". Алгебра. Имо. Кило. Лекало. Кох. Охра. Негр. Имконият. Твен. Оху. Риал. Мисол. Асар. Та. Асака. Фракция. Шу. Уста. Шлакабетон. Одат. Ваз. Риоя. Кио. Асл. Трактор. Тор. Жазм. Азон. Наширёт. Қари. Иогансон. Ион. "Лада" Лафз. Педиатор. Модда. Осон. Виет. Окен. Болға. Ри. Ни. Цаффа. Цорн. Оаху. Кабир. Ачитқи. Яксон. Бак. Ташфлет. Твист.

БҲЙИГА: Фаровонлик. Рига. Ибо. Атланта. Реактор. Дохтурашвили. Лирика. Емак. Ол. Глаукома. Россия. Олифта. "Илиада". Аут. Ка. Ракетка. Кобра. Ява. Панто-мима. Сато. Тотти. Романтизм. Ранж. Кўнгил. Сардор. Жарқалдирғоч. Трос. "Зонд". Оахака. Гаде Осийё. Лоқман. Дело. Оми. Наката. Офат. Бу. Он. Кан. Авиация. Исм. Ел. Орт. Кий. Илк. Карл. Пот. Инфаркт. Ахиява. Ва.

КАЛИТ СЎЗ: Одамлар билан муросаи мадора қилинг. ("Ҳикмат дурдоналари" китобидан).

Камола ОРИПОВА тузди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик ишлари бошқармаси ҳайдовчиси **Шокир СОДИКОВ**ни таваддуруни билан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳамкасблари, оила аъзолари.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик ишлари бошқармаси ҳайдовчиси, старшина **Мирзо ЮЛДАШОВ**га! Қадрдонимиз, туғилган кунингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ҳамиша йўлингиз беҳатар бўлиб, бахт ва омад кулиб боқсин.

Ҳамкасбларингиз, оила аъзоларингиз.

БИР КУЛИШАЙЛИК

- Эшмат, тўти кўринмайдими?
- Йўғ-е, ҳозиргина чангюттич билан қафасини тозалаётганимда турган эди-ку.
- ***
- Чумоли темир йўл рельси олдида келиб қараб турди-да деди:
- Ақлли чумоли уриниб тоққа чиқиб ўтирмайди, уни айланиб ўтади.
- ***
- Ойижон, нега дадамнинг сочлари тўкилган?
- Чунки кўп ўйлайдилар-да.
- Нега сизнинг сочингиз тўкилмаган?
- Кўп гапирмасдан овқатингни е!
- ***
- Ўқитувчи:
- Эшмат, ўйлайманки, бу сафар бировлардан ёзма ишни кўчираётганимга кўзим тушмайди.
- Эшмат:
- Мен ҳам шундай деб ўйлайман.
- ***
- Судья:
- Хотинингизнинг бошига ликопча билан уриб-сиз, унга ачинмадингизми?
- Айбланувчи:
- Ачинганда қандоқ. Яп-янги ликопча эди.
- ***
- Жуда паришонхотир бўлиб қолибман.
- Нега унақа деясан?
- Охирги марта сафардан қайтганимда совғани хотинимга, кир кийимларимни жазманимга берибман.
- ***
- Судья:
- Хотинингизнинг айтишича, сиздан кўрқар экан. Шу тўғрими?
- Айбланувчи:
- Нима десам экан...
- Судья (шивирлаб):
- Кулоғимга айтақолинг, бунга қандай муваффақ бўлгансиз? Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмасдим.
- ***
- Судья:
- Аризангизга қараганда, айбланувчи сизни аҳмоқ деган. Шу тўғрими?
- Даъвогар:
- Тўғри.
- Судья:
- Унда нега шикоят қиляпсиз?
- ***
- Нима қилсам экан: бой-бадавлат, лекин ёши каттароқ аёлга уйланаймиди ёки ўзим севадиган ёш, чиройли, аммо камбағал қизгами?
- Албатта, ўзинг яхши кўрадиган қизга-да. Ахир, ҳаётда муҳими мол-давлат эмас, муҳаббат-ку. Фақат ўша бева қаерда туришини айтиб юбор...
- ***
- Дўхтир, ўғлим тупроқ еб қўйибди. Ичини ювиш учун кўп сув ичирдим. Энди нима қилай?
- Бўёғига эҳтиёт бўлинг, цемент еб қўйма-син.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



КҮЙ. Душанба. Учрашувлар, севги ва оилавий муносабатлар учун қулай кун.
Сешанба. Ишбилармон шериклар ҳамда ҳамкасбларингиз сизни тушунмасликлари мумкин.
Чоршанба. Юзага келган муаммолар кўп куч-қувват талаб этади. Амалий учрашувлар кутилган натижани бермайди.
Пайшанба. Шахсий ҳаётингиздаги айрим нохушликлар кайфиятингизга таъсир кўрсатади.
Жума. Бугун хизмат сафари ёки олисроқ жойга боришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.
Шанба. Тижорат ишлари олиб боришнинг айна вақтидир. Яқин кишиларингиз сиздан кўмак сўрайдилар. Улардан ёрдамнингизни аяманг.
Якшанба. Айрим кўнгилсизликлар соғлигингизга таъсир қилиши мумкин.



СИГИР. Душанба. Молиявий йўқотишлар кутилмоқда. Бу харидлар, уйни таъмирлаш ёки олган қарзларингизни қайтариш билан боғлиқ.
Сешанба. Сизга бўҳтон ўюштиришлари эҳтимоли бор. Фанимларингиздан эҳтиёт бўлинг.
Чоршанба. Турмуш ташвишлари атрофингиздаги одамлар, оила аъзоларингиз билан келишмовчилик келтириб чиқаради.
Пайшанба. Ҳар қандай фаолият учун ноқулай кун.
Жума. Бугун ўзингизга нисбатан ишонсизлик бевозта қилади.
Шанба. Ҳордиқ чиқариш, маънавий юксалиш ва ички туйғуларингизга таяниб иш кўришнинг айна вақти эканлигини унутманг.
Якшанба. Юлдузлар ободонлаштириш ишларини бажариш, хизмат хонасини қайта жиҳозлаш учун қулай пайт эканлигидан огоҳ этмоқда.



ЭГИЗАКЛАР. Душанба. Нохуш хабар эшитишингиз ёки кутилмаган вазиятга тушиб қолишингиз мумкин.
Сешанба. Тақдир иродангиз қай даражада мустаҳкам эканлигини яна бир бор синовдан ўтказилад.
Чоршанба. Ўзингиз истаган даражадаги эркинликка эришиш учун бор маблағ ва куч-қувватингизни сариқлашингизга тўғри келади.
Пайшанба. Мулоқотлар доирасини кенгайтириш, муҳим ишларни режалаштириш учун қулай кун.
Жума. Куннинг иккинчи ярмида хабарлар эшитишингиз ёки қариндошлар билан низолашиб қолишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.
Шанба. Бугун кўплаб чигал муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз.
Якшанба. Босиб ўтган йўлингизга бир назар ташлаб, келгуси имкониятларни чамалаб чиқинг.



КИСКИЧБАҚА. Душанба. Атрофингиздаги одамлар билан мулоқотлар кўнгилдагидек кечади.
Сешанба. Бугун сафарларга бормаганингиз маъқул. Жароҳат олишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.
Чоршанба. Ҳар қандай ишга қўл урманг албатта муваффақиятга эришасиз. Илгари тузилган битим яхшигина даромад келтиради.
Пайшанба. Мураккаб ишларни уйдalayсиз. Ижодий кўтаринкилик сезилади.
Жума. Бугун ўз орзуингиздаги инсонни учратасиз.
Шанба. Куч-қувватингиз ошиб, ўзингизга бўлган ишонч янада мустаҳкамланади. Саъй-ҳаракатларингиз кимнидир оғир аҳволдан қутқариши мумкин.
Якшанба. Оилавий ҳордиқ чиқариш учун муваффақиятли кун. Табиат гўзалликларидан бахраманд бўлишни маслаҳат берамиз.



АРСЛОН. Душанба. Куннинг биринчи ярми даволаниш учун ноқулайдир. Воқеалар ривожини ўз фойдангизга ўзгартира олмайсиз.
Сешанба. Сўхбатдошингизни тушунишни истамаслигингиз унинг эътирозига сабаб бўлади. Бу эса муносабатларга путур етказиши мумкин.
Чоршанба. Юзага келган нохуш вазият кўп вақтингизни олади.
Пайшанба. Атрофингиздаги одамлар билан муомалада эҳтиёт бўлинг.
Жума. Гарткам ўйинларда ютказиб қўйишингиз, кутилмаган сарф-ҳаражатлар қилишингиз мумкин.
Шанба. Тақдир сизга боғлиқ бўлган инсон билан келишмовчилик келиб чиқади.
Якшанба. Дўстлар билан учрашув, ижодий изланишлардан бир олам қувонч оласиз.



БОШОҚ. Душанба. Ўзингиз ҳақ деб билган фикрга ёпишиб олишингиз атрофдагилар билан муносабатларга путур етказилади.
Сешанба. Амалий шериклар билан алоқа ўрнатиш, янги ишни бошлаш учун ноқулай кун.
Чоршанба. Ўз иқтидорингизни намойиш этиш имконияти бор.
Пайшанба. Хизмат сафари ёки саёҳатлар чоғида ажойиб танишлар орттirasиз.
Жума. Жиддий ўйлаб амалга ошириладиган ишлар учун қулай давр.
Шанба. Меросга эга бўлиш, сиздан олдинги авлод вақиллари бошлаган ишни ниҳоясига етказиш имконияти мавжуд.
Якшанба. Жамоа бўлиб бажариладиган иш муваффақиятли яқунланади.



ТАРОЗИ. Душанба. Қарама-қаршиликлар кутилмоқда. Фойда олишингиз ёки сарф-ҳаражатлар қилишингиз мумкин.
Сешанба. Бугун ишлар кўпайиб кетиб, анча толиқасиз.
Чоршанба. Эришилган ютуқлар ўзингизга бўлган ишонччи янада орттiraди.
Пайшанба. Молиявий аҳволингиз амалдаги вазият ва келгусида бажариладиган ишларга таъсир кўрсатади.
Жума. Даволаниш учун вақт ажратганингиз маъқул.
Шанба. Бугун юлдузлар сизни қўллаб-қувватлайдилар. Юрагингизга ишқ-муҳаббат меҳмон бўлади.
Якшанба. Муҳим ишларни режалаштириш, олинган маълумотлардан фойдаланиш учун қулай кун.



ЧАЁН. Душанба. Ҳаётингизда ўзгаришлар рўй беради. Ёлғиз Чаёнлар ажойиб учрашувнинг гувоҳи бўладилар.
Сешанба. Ҳамкасбларингиз ва раҳбарлар сизни тушунмасликлари мумкин.
Чоршанба. Мураккаб молиявий операциялар ва имзоланган шартномалар муваффақият келтиради.
Пайшанба. Юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш ва ҳақлигингизни исботлаб беришингиз қийин кечади.
Жума. Мақсад сари дадил интилишингиз куннинг охирига бориб ўз самарасини беради.
Шанба. Дамларингиз ҳеч қандай ташвишсиз, осойишта ўтади.
Якшанба. Янгиликлардан хабардор бўлиш, харидлар учун омадли кун. Хизмат сафарига боришингиз эҳтимолдан ҳоли эмас.



ЁЙ. Душанба. Сафарлар билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар кутилган натижани бермайди.
Сешанба. Юлдузлар бугун саломатлигингиз бироз ташвиш келтиришидан дарак бермоқда.
Чоршанба. Жиддий молиявий йўқотишлар кутилмоқда.
Пайшанба. Бугун сизга омад кулиб боқмайди. Шерикларингиз билан амалий музокаралар олиб борганингиз маъқул.
Жума. Янги ишқий алоқалар ташвишдан бошқа ҳеч нарса келтирмайди.
Шанба. Хизмат мавқеингизни ўзгартириб юбориши мумкин бўлган маълумотни қўлга киритасиз.
Якшанба. Сайру-саёҳатларга бориш, ижод билан шуғулланишингиз айна вақтидир.



ТОҒ ЭЧКИСИ. Душанба. Бугун тўғри йўлни танлашга муваффақ бўласиз. Даволаниш учун қулай кун.
Сешанба. Ишонган одамнингиз панд бериши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзингизни босиқ тутинг.
Чоршанба. Аёлларга омад кулиб боқади. Улар хушхабар эшитадилар.
Пайшанба. Куннинг биринчи ярмида ютуқларни қўлга киритасиз. Пешиндан сўнг эса ҳаддан ташқари фаоллигингиз саломатлигингизга путур етказиши мумкин.
Жума. Эҳтиросларга бериласиз. Раҳбарлар ва ҳамкасбларингиз билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинг.
Шанба. Атрофингиздаги одамлар сизга носамимий муносабатда бўлишлари мумкин.
Якшанба. Феъл-атворингиздаги қайсарлик мавқеингизга салбий таъсир кўрсатади.



ҚОВҒА. Душанба. Ҳаётингизда ажойиб воқеалар рўй беради. Қобилиятингизнинг янги қирралари намоеън бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.
Сешанба. Яқинларингиз билан низо келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг.
Чоршанба. Нохуш хабар ёки нотўғри маълумот оласиз.
Пайшанба. Муайян тажрибага эга бўлмаган соҳада фаолият юритишингизга тўғри келади.
Жума. Кутилаётган қарама-қаршиликлар қувонч ва ташвиш келтиради.
Шанба. Атрофингиздаги одамлар билан келишмовчиликлар келиб чиқади. Саломатлигингиз бироз ёмонлашиши мумкин.
Якшанба. Бошланган ишни ниҳоясига етказиб, янги режалар белгилаб оласиз. Кечки пайт дўстлар даврасида баҳс бўлиб ўтади.



БАЛИК. Душанба. Тез-тез низолар келиб чиқиши ва ишдаги бандлик туфайли севган кишингиз сиздан ранжийди.
Сешанба. Кўпчилик хатти-ҳаракатларингизни тушунмаслиги мумкин.
Чоршанба. Эртанги кунга бўлган ишонч танангизга куч-қувват бахш этади.
Пайшанба. Кексалар меҳр-муруватга муҳтож бўладилар.
Жума. Шериклар ва ҳамкасбларингиз билан бир тўхтама келишингиз қийин кечади. Куннинг иккинчи ярмида фойдали алоқалар ўрнатасиз.
Шанба. Моддий аҳволингиз кескин ёмонлашади. Кексаларни сурункали касаллик бевозта қилиши мумкин.
Якшанба. Яқин кишиларингиз билан муносабатлар мураккаблашади.

СПОРТ+ФУТБОЛ



Футбол.

Осиё Чемпионлар лигаси



AFC CHAMPIONS LEAGUE

«ПАХТАКОР»НИНГ «КАСАЛИ» ТУТДИ

26 ва 27 октябрь кунлари Осиё Чемпионлар лигасининг ярим финал жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

Дастлабки жавоб учрашуви 26 октябрь куни "Чонбук Моторс" ва "Ал-Иттиҳод" жамоалари ўртасида кечди. Ўз майдонида корейликларни 2:1 ҳисобида мағлуб этган араб футболчилари иккинчи учрашувни дуранг ҳисоб билан (2:2) якунлаб, икки ўйин натижасига кўра финал йўллари масини қўлга киритдилар.

Кеча иккинчи ярим финал жавоб учрашуви Тошкентда ўтказилди. Сафарда дуранг (0:0) натижа қайд этган футболчиларимизда рақибларга қараганда имконият анча юқори баҳоланган эди. Бошқа нашрлар қатори биз ҳам газетамизнинг аввалги сонида Жанубий Корея футболчилари ўйинига паст баҳо қўйишга ҳам жазм этгандик.

Кечаги учрашувда эса, тўғриси, "Пахтакор"нинг хатти-ҳаракатига мутлақо тушуниб бўлмади. Ҳаттоки мураббийлар томонидан қандай такти-

ка қўлланилганини ҳам билиш мушкул бўлди. Бутун учрашув давомида ўйинни бевосита ва билвосита кузатган мухлисларнинг аксарияти кўнглидан "Пахтакор"нинг эски касали яна тутди деган фикр ўтган бўлса, ажаб эмас. Жамоа кетма-кет чиройли ўйинлар кўрсатади-да, энг маъсулиятли ва ҳал қилувчи паллада ўйнагиси келмай қолади. Умид кўзи билан кузатиб турган ишқибозлар эса майдонни хуштаклар остида тарк этаверади.

Учрашувнинг биринчи бўлими бошларида вакилларимиз кетма-кет хужумлар уюштиришни бошлашганида кўпчилик омад биз томонда деб ўйлаган эди. Аммо "Сеонгнам" мураббийлари қўллаган тактик услуб пахтакорчиларни "синдирди". Биринчи бўлим 0:1 ҳисобида меҳмонлар фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, стадионга ташриф буюрган мухлислар (30-35 минг) иккинчи

бўлимдан умидвор тарзда ўринларидан жилмай ўтирдилар.

Танаффусдан сўнг... яна ўша аҳвол. Метин деб ҳисоблаб келаётган ҳимоя чизғимиз аксар ҳолларда панд берди, ярим ҳимоя ташаббусни бутунлай рақибларга бериб қўйди, хужумда деярли ҳеч ким ўйнамади... Шу кунги ўзига ўхшамаган Б. Ашурматов икки бор қўполлик билан ўйнагани учун майдондан четлатилди. Биринчи учрашувда "Сеонгнам"-лик футболчилар ўн киши бўлиб ҳаракат қилган бўлсалар-да, дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлишганди. Тошкентда эса меҳмонлар иккинчи тўпни ҳам киритишга эришдилар. "Пахтакор" ҳисобни қисқартиришга ҳам мушарраф бўла олмади. Начора, 0:2 ҳисобида мағлуб бўлган "Пахтакор" кейинги йилларда ҳаммасини яна бошидан бошлашига тўғри келади.

Миллий чемпионат. Олий лига

МЕЗБОНЛАР УСТУНЛИГИДА ЎТГАН ТУР

Ўзбекистон миллий чемпионати Олий лигасида 22-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Термизда воҳанинг икки жамоаси ўзаро куч синашди. "Сурхон" ва "Насаф" ўртасидаги учрашув хоҳ Термизда, хоҳ Қаршида ўтмасин, ҳар сафар жуда кескин ўтишини кўплар билади. Лекин шу кунги турнир жадвалининг юқори ўринларида бораётган қаршилиқлар "Сурхон"га ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Термизлик мухлислар гувоҳлигида ўтган ўйин 0:5 ҳисобида "Насаф" фойдасига ҳал бўлди.

Мухлисларининг ҳафсаласини пир қилиб бўлган "Андижон" инқироздан чиқиб кетиш чорасини топа олмапти. Жамоа ўз уйида "Қизилқум"ни қабул қилиб, зарафшонлик Қиличевнинг сўнги дақиқада киритган тўпи эвазига яна бир бор мағлубият аламини тотиб кўрди.

Турнинг қолган барча учрашувларида мезбонлар устун келишди. "Навбахор" Тошкентда "Локомотив"нинг меҳмони бўлди ва кутилмаганда мағлубиятга учраб (2:3), "Нефтчи"га

етиб олиш имкониятини камайтириб юборди.

"Пахтакор" "Сўғдиёна"ни қабул қилди. Деярли иккинчи таркиб билан тўп сурган пойтахт жамоаси 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди ва бир ўйин кам ўтказган бўлса ҳамки, биринчи ўринга мустаҳкам ўрнашиб олди.

"Нефтчи" гирдобдан чиқишга уринаётган "Самарқанд-Д" жамоасини аяб ўтирмади - 4:1.

"Машъал" - "Бухоро" учрашуви 2:1 ҳисобида тугаган бўлса, "Металлург" "Трактор"ни ҳам худди шу ҳисобда мағлуб этди.

Олий лиганинг 23-тур учрашувлари 30 октябрь куни ўтказилади: "Насаф"- "Андижон", "Навбахор"- "Нефтчи", "Қизилқум"- "Пахтакор", "Самарқанд-Д"- "Машъал", "Сўғдиёна"- "Металлург", "Бухоро"- "Сурхон", "Трактор"- "Локомотив".

"Пахтакор" ва "Навбахор" жамоаларининг қолдирилган учрашуви 9 ноябрь куни бўлиб ўтади.

28 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. "Пахтакор"	21	19	2	0	68-9	59
2. "Нефтчи"	22	18	1	3	52-24	55
3. "Навбахор"	21	15	2	4	52-18	47
4. "Насаф"	22	14	3	5	48-25	45
5. "Трактор"	22	11	1	10	35-41	34
6. "Локомотив"	22	9	6	7	29-24	33
7. "Бухоро"	22	8	3	11	25-37	27
8. "Сўғдиёна"	22	8	2	12	22-39	26
9. "Қизилқум"	22	6	7	9	27-36	25
10. "Металлург"	22	7	3	12	22-40	24
11. "Сурхон"	22	6	2	14	20-42	20
12. "Машъал"	22	5	3	14	24-36	18
13. "Самарқанд-Д"	22	4	2	16	19-43	14
14. "Андижон"	22	4	1	17	25-54	13

ТАҲРИРИЯТДА МУСОБАҚА

Кейинги йилларда мамлакатимиз Президенти томонидан спортга катта эътибор қаратилаётгани жаҳон спорт майдонларида юрдошларимиз қозонаётган ғалабаларнинг сони тобора ошиб боришига сабаб бўлапти. Ҳозирда деярли барча корхона-ташкilotларда ўз жабҳаси доирасида кичик спорт мусобақалари ўтказиш аънана тусига айланиб бўлди десак хато қилмаган бўламиз.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ва бошланғич касабани уюшмаси ташаббуси билан Бирлашган таҳририятда ҳам шахмат-шашка бўйича турнир йўлга қўйилди. Ҳамкасабалар ҳар икки мусобақа бўйича дастлабки баҳсларини ўтказишди. Шуни алоҳида қайд этиш керак-

ки, илк донна суришданок турнирга қизиқиш анча кучайди. Масъулиятли ижодий жараёндан сўнг бундай баҳслар чарқокни ёзиш учун айна фурсат эканлигини бўлиб ўтаётган беллашувлар кўрсатиб бермоқда. Турнир голиблари 8 декабрь - Конституция куни арафасида маълум бўлади ва мукофотлар байрам куни

голибларга тантанали равишда топширилади. Таҳририят эрақлар ўртасида футбол ва аёллар ўртасида волейбол мусобақаларини ҳам ташкиллаштириш режаси устида иш олиб бормоқда.

Суратда: шахмат мусобақасидан лавҳа.

Абубакр КЕНЖАЕВ олган сурат.

Sportlotto

1970 йилдан бирга Lotereyasi

143-ТИРАЖ
27.10.2004

710021 чипта 879951 вариантда
иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

2 23 33 18 36 24

6 та рақам — йўқ.

5 та рақам — 46 чиптанинг 50 вариантыда тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 140792 сўмдан берилади.

4 та рақам — 221 чиптанинг 2731 вариантыда тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 5155 сўмдан берилади.


144-тираж учун

ЖЕК ПОТ 303.744.168 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси

Сиз кутган учрашув

Хоразм азал-азалдан буюк санъаткорлар юртидир. Бу воҳада чақалоқлар йиғлаб эмас, куйлаб тугилар экан. Бугунги суҳбатдошимиз ана шу гўша фарзанди, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажоновдир. Санъаткор ўзбек халқининг дарди, орзу ва армонларини куй ва кўшиқларида тараннум этиб келаётган ҳофизлар сирасига киради. Ортиқ Отажоновнинг ўзига хос сози ва овози бор. У кўшиқларидаги руҳ ва дардни тингловчига моҳирона етказа олади.



Отажонов
ОРТИҚ

«ДУНЁДА МЕҲРСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ»

– 1947 йили Хоразм вилоятида туғилганман – дея ҳикоя қилади Ортиқ ака. – Олти ёшларимда бўлса керак, тоғам Жумабой телпақдўздан дутор чалишни ўргандим. 1953 йил мактабга бордим. Ўқувчилигимда улуғ устозлар Назира Юсупова, Комилжон Отаниёзов, Ортиқхўжа Имомхўжаевлар ижро этган ашулаларга тақлид қилиб, куйлаб юрдим. 1961 йили Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида хунар-техника билим юртлари аро бадиий ҳаваскорларнинг республика танлови бўлиб ўтди. Ушбу танловда Қаландар Қурбонийнинг “Етишдим” газалига ўзим куй басталаб ижро этдим. Мазкур кўшиқ туфайли биринчи ўринни эгаллаб, машҳур бўлиб кетдим. 1962 йили қурилиш билим юртини тамомладим. Шу кезлари Урганчда мусиқа билим юрти очилди. Мен ушбу даргоҳда Жумабой Тожимов раҳбарлигида рубобдан таҳсил ола бошладим. Омадни қарангки, Комилжон устанинг шогирди Матмурод Солаев билан ҳамсабоқ бўлиб қолдим. Матмурод оға бир куни мени устоз ҳузурига бошлаб борди. У кишига “Етишдим”ни рубобда куйлаб бердим. Улар “Тузуксан, соз чалишда жимжилоғингни ҳам ишлатар экансан” – дедилар. Шу-шу Комилжон устанинг руҳсати билан у иштирок этадиган тўй-концертларга бо-радиган, ора-сира унга доирачилик қиладиган бўлдим. Шундан бери то ҳанузгача халқимиз хизматидаман.

– Ортиқ ака, ҳозир кўпчилик санъаткорлар ўз яккахон концерт дастурларини санъат ихлосмандларига тақдим этишяпти. Сизнинг ҳам шундай ниятингиз борми?

– Албатта. Ҳар бир санъаткор ўз кўшиқларини халққа жонли тарзда етказсам, концерт берсам, деб орзу қилади. Менда ҳам бу ният йўқ эмас. Фақат жой ижараси қиммат бўлмаса. Ана шу каби муаммолар бартараф этилса, бажонудил концерт қўйган бўлардим.

– Ортиқ Отажонов бўш вақтида нималар билан машғул?

– Бўш вақтимда шеърлар ўқиб, кўшиқ яратиш билан банд бўламан. Яна боғдорчилик фермер хўжалигим бор. Ана шу ерда ҳам чарчоқларим ёзилади.

– Кўринишингиздан жуда жиддийсиз. Ўзингизга қандай баҳо бера оласиз?

– Мен халқпарвар ва ҳақиқатчман. Шунга яраша жуда кўнгулчанман. Ойнаи жаҳонда бирор-бир ҳақиқатнинг юзага чиққани ҳақида кўрсатувни кўрсам, кўзимдан ёш чиқиб кетади. Ҳаётда хушчақчақ инсонман. Ҳеч бўлмаса ойнага қараб кулиб оламан. Мадраҳим деган биродарим бўларди. У ҳам ўта хушчақчақ, ҳазилкаш йигит эди. Ҳаётимда кўп қизиқ-қизиқ воқеалар шу киши билан бўлган.

– Сизнинг ижроингиздаги Омон Матчон қаламига мансуб “Умр ўтар” кўшигингиз асрга татиғулик, десам мубалаға бўлмас. Уни ўғлингиз Улуғбек ҳам ижро этди. Шу ижродан кўнглингиз тўлдими?

– Латиф деган дўстимиз бор. У ўғлига суннат тўйи қилди. Тўйда Отажон Худойшукуров “Умр ўтар” кўшигини чўзиқ оҳангда айтди. Кўшиқни эшитиб ўтирган даврадагилар “бу шеърни бошқача қилиб, куйга солиш керак” деб қолишди. Эртаси куни Омон Матчоннинг ёнига бориб, “Умр ўтар” шеъри-

ни сўрадим. Шеърни олиб келиб унга куй басталадим. Тайёр бўлгач Омон Матчонга ҳам кўшиқ манзур бўлди. Шундай қилиб илк мартаба 1981 йил 31 декабрда бу кўшиқ эфир юзидан кўрди. Энди ўғлимнинг ижросига келсак. Ёш ижодкорлар ўзларича янгилик қилмоқчи бўладилар. Лекин устозларнинг йўлида айтсалар яхши бўларди. Улуғбекнинг дунёқараши замонавий, кўшиқни замонга мослаштирган. Лекин кўшиқ илк бор ижро этган санъаткорнинг талқинида барибир бошқача, яъни ягона ва такрорланмас бўлиб қолаверади.

– Ўғлингизнинг санъаткор бўлишидаги ҳиссангиз? Унга ёрдам берганмисиз?

– Улуғбек санъаткорлар оиласида ўсгани учун, санъатсеварлик унинг қонида бор. Болалигидан у жуда тиришқоқ ва истеъдодли эди. Ҳозир Улуғбек ҳам бастакор, ҳам оранжировкачи (яъни куйга сайқал берувчи), ҳам кўшиқчидир. Ютуқларига у ўз кучи ва интилишлари билан эришди. Санъат майдонига ўзининг кучи ва меҳнати билан чиқди, деб бемалол айта оламан. Ота ҳамда устоз сифатида маслаҳатлар бериб тураман.

– Ҳозирда нималар билан машғулсиз?

– Халқимиз топганини тўйга сарфлайди. Эл-юртга ош беради. Мен ҳам ҳозир халқимизнинг яхши кунларида, тўй-маъракаларидаман. Шу билан бирга ижоддан ҳам тўхтаганим йўқ.

– Ёшларнинг ижодига муносабатингиз?

– Улар санъатда ўз йўлини топаётгани яхши. Лекин бўлар-бўлмас шеърлар ёзиб, куй басталаб, кўшиқ айтаётганлари ҳам йўқ эмас. Устозларнинг кўшиқларини бузиб айта-

ётгани ёки ўзгаларнинг кўшигини ўзлаштириб олаётганини оқлаб бўлмайди. Шунинг учун бадиий кенгашда қаттиқ талаб қўйилиши керак. Яна назаримда ёшларимизда миллий руҳ етишмаяпти.

– Ўзингиз қайси хонандаларни тинглайсиз ва ҳақиқий санъат намо-яндаси дея оласиз?

– Ҳар бир кўшиқчининг ҳам яхши бир кўшиғи бор. Мен ҳаммани тинглайман. Ёшларни ҳам, устозларни

қизим бор. Катта ўғлим Зокир менинг ёнимда доира чалади. Қизларим Каромат ва Хосият оилали бўлиб кетишган. Улуғбекни таништирмасам ҳам бўлади. Ўн набирам бор. Тўққизтаси ўғил ва биттаси қиз. Умрлари узоқ бўлсин, илоийм.

– Онангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Онам Хоразмда яшайдилар. Ҳаммадан кўра менга меҳрлари бўлакча. “Ортигим, Ортигим” дея ҳали-

ҳам. Аммо Маъмуржон Узоқов ва Комилжон Отаниёзовларни тингласам, кўзимга ёш келади. Улар дардини халққа етказа олган ва мен бу инсонларни ҳақиқий санъат даргалари деб биламан. Уларга бошим ерга теккунча таъзим қиламан. Бу санъаткорлар ижро этган ҳар бир кўшигининг ўзи бир мактаб.

– Санъаткор учун истеъдод, табиийки, муҳим. Лекин мукамал кўшиқчи бўлиш учун яна нималар даркор?

– Санъаткор билимли, яъни мусиқий илмни эгаллаган бўлиши керак. Шунда унинг санъати ривож топади. Фарзанд истеъдодли бўлиб, ота-она буни сезса, уни дарҳол мусиқа билим юртига бериш керак.

– Тўйларда санъаткорларнинг бир-бирлари билан навбат таллашиб, уруш-жанжал қилишларига қандай қарайсиз?

– Хоразмда тўйга битта санъаткор таклиф этилади. Бу ердаги тўйлар эса “бирров”чилардан иборат. Бу низо келиб чиқишига маълум маънода тўй эгаси сабабчи деб ўйлайман. Битта санъаткор ҳам тўй кўнгулдагидек ўтиши учун хизмат қила олади.

– Меҳр-муҳаббат сизнинг тушунчангизда?

– Инсонларнинг юз-кўзларидаги табассум, меҳр менга руҳ бағишлайди. Муҳтарам юртбошимиз бежиз бу йилни Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилмадилар. Ер юзида меҳр борки, дунё турибди. Инсонлар бир-бирларига меҳр кўзи билан қарасалар, ҳаёт янада гўзалроқ бўларди. Ўзи умуман дунёда меҳрсиз яшаб бўлмайди.

– Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз.

– Аёлим Гулсара – уй бекаси, икки ўғлим ва икки

ҳануз гўдакдек авайлайдилар. Аллоҳ умрларини узоқ қилсин. Хоразмга тез-тез бориб онамни йўқлаб тураман. У ерда укаларим, сингилларим, ёр-дўстларим яшашади.

– Устозлар хусусида нима дея оласиз?

– Озод Иброҳимов менга рубобдан дарс берган, кейинчалик Комилжон Отаниёзовнинг ёнларида юриб ўргандим. Санъат соҳасида устозларим кўп. Инсонийлик фазилатларини ҳаёт ўргатган. Мана, қарангки, энди ўзим ҳам устозман.

– Санъаткор ва устоз сифатида ёшларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

– Аввало, санъатни қадрлаб, устозларни ҳурмат қилишсин. Ота-она дуосини олишларини истаيمان. Яна ҳеч қачон шон-шухрат кетидан қувишмасин. Меҳнат, изланишдан тўхташмасин. Эл-юрт тузини оқлашсин. Меҳроқибатли бўлишсин ва энг муҳими ўзбек деган номга доғ туширишмасин.

Хоразм, суҳбатимиз бошида айтганимиздек, ажойиб санъат даргаларини етиштириб чиқарган воҳа. Комилжон Отаниёзов кўшиқчилик санъатида ўзига хос мактаб яратди. Эндиликда бу мактабнинг давомчилари орасида Ортиқ Отажоновнинг ўз ўрни ва ўз овози бор. Биз ҳофизимизга яна кўп йиллар халқ хизматидан чарчамаслигини тилаган ҳолда хайрлашдик. Суҳбатни ушбу тўрт қатор шеър билан якунлашни жоиз деб топдим:

**Гўдаклар кўлчасини
чўзар ўйнатиб,
Кўзmunчоқ осилган
бешиқларидан.
Боболар гашт қилар
соқол силкитиб,
Ортиқ Отажонов
кўшиқларидан.**

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур

Мастура ЮНУСОВА
суҳбатлашди.

Кўриқлаш хизмати

Кўриқлаш хизмати мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги 3-4 йил давомида ушбу хизмат туб ўзгаришларни бошдан кечирди.

Республикада кўриқлаш борасида давлат сиёсатини ҳаётга тадбиқ эта бориб, давлат, халқ ва турли мулкчилик шаклидаги моддий-товар бойликларнинг ишончли кўриғи, мудофаасини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, хизматни сифат жиҳатдан ўзгартиришга эришилди.

Хизмат самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Бунга қоровуллар ўрнига ишончли бўлган милиция кўриғидан фойдаланиш орқали эришилмоқда. Бу ўзи навбатда соҳани такомиллаштиришга олиб келди.

Ушбу йўналишдаги изланишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда ва келажакда қоровуллардан босқичма-босқич воз кечиш кўзда тутилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, кўриқлаш хизматининг ишончилигини ошириш, объектлар мудофаасини мустаҳкамлашдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда кўриқлаш хизматида амалга оширилган энг йирик ўзгаришлар, ислохотлар шахсий таркиб билан ишлаш йўналишига тўғри келди.

Биргина мисол. Ўтган уч йил ичида жазоланган ходимлар сони 32 фоизга камайди. Қонунчиликни бузгани учун жазоланганлар сони эса шу даврда 60 фоизга қисқарди. Ходимларнинг айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони деярли 5 бараварга камайди. Ушбу рақамлар бу борада амалга оширилган ишларнинг нақадар самарали бўлганлигидан далолат беради.

Кўриқлаш бўлиналари-нинг хизматини ташкиллаштириш ва нарядларнинг хизмат ўташини пухта режалаштириш натижасида ҳам хизматда ютуқларга эришилди. Масалан, 2001 йил давомида кўриқланаётган объектларда жами 5 та ўғриликка йўл қўйилган эди. Кейинги даврда бундай ҳолатлар умуман содир этилишига йўл қўйилмади. Бу – хизматнинг энг катта ютуғи ҳисобланади.

Кейинги пайтларда террорчилик хуружларининг кучайиши, барча ички ишлар идоралари каби кўриқлаш хизмати олдида турган масъулиятни ҳам ошириб юборди.

Терроризмга қарши

курашда ходимларимиз ҳам иштирок этишди. Шу йилнинг ўзида бир ходимимиз террорчилар тажовузидан ҳалок бўлди, уч нафари эса турли хил тан жароҳати олди.

Ўтган вақт давомида кўриқлаш хизмати ходимларини ўз вазифасига алоқадор бўлмаган соҳаларда ишлатилиши тартибга солинди. Бироқ бу йўналишда тўлиқ ижобий натижага эришилди, деб бўлмайди.

Хизматимизни техника воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада ҳам маълум ўзгаришлар қилинмоқда. Бироқ шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган ишлар қутилган нав-

лизация, техника ва алоқа воситалари ушбу кенгашда муҳокама қилиниб, ижобий баҳолангандан кейингина амалда қўлланилади.

Ўтказилган таҳлиллар кейинги уч йил давомида объектлардаги марказлаштирилган кўриқлаш пульталига тушаётган сохта “ташвиш” хабарлари сони 35 фоизга камайганини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида нарядларнинг ҳушёрлигини ошириб, ортиқча сарф-харажатларни камайтирди.

Хизматни замонавий кўриқлаш пультали билан таъминлаш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширяпмиз. Масалан, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги

нинг асосий йўналишларидан бири бу – молия ҳисобланади. Молиявий таъминотни яхшилаш, ходимларга ўз вақтида иш ҳақи бериш, хизматнинг моддий-техник таъминотини молиялаштириш мақсадида дебитор қарзларни схемалар орқали ундириш амалиёти жорий этилди ва бугунги кунда ундан имкон қадар самарали фойдаланиб келмоқдамиз. Суд, прокуратура идораларига кўрсатилган хизмат ҳақини марказлаштирилган тартибда ундириш йўлга қўйилди.

Айрим муаммоли масалаларга қарамай кўриқлаш хизмати шаклланиш босқичидан самарали ўтди, дейишимиз мумкин.

Ушбу босқичда хизмат олдида қўйилган энг асосий вазифалар удаланди.

Хусусан, биринчидан жаҳон ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кўриқлаш хизматларининг тажрибалари, Ўзбекистон кўриқлаш хизматининг тарихий анъаналари, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлардан келиб чиққан ҳолда хизматнинг тараққиёт йўналиши ва устивор вазифалари белгилаб олинди.

Иккинчидан, хизматнинг меъёрий-ҳуқуқий негизи юзага келди. Кейинги йилларда ушбу ишларнинг асосий пойдевори яратилди. Албатта, ушбу йўналишда ҳали кўплаб ишлар амалга оширилиши лозим. Бугунги кунда хизматни ташкиллаштириш, режалари молия-ҳўжалик фаолияти йўналишларида қатор меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрлаб қўйилган.

Учинчидан, кейинги йиллар тажрибалари, жаҳонда терроризмга қарши кураш борасида юзага келган вазиятни эътиборга олиб, кўриқлаш хизматининг вазифа ва мажбуриятлари қайта кўриб чиқилди. Эндиликда хизмат зиммасига хавфсизликни таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Замон ва давр ўзгаришлари хизматни мунтазам равишда такомиллашиб, ривожланиб боришини талаб қилмоқда. Биз ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда қатор вазифалар белгилаб олганмиз.

Азамат ЮСУПОВ,

ИИБ ҳузуридаги
“Кўриқлаш” РБ бошлиғи,
полковник.

Ёднома

УМРЛАР
БЎЛАДИКИ...

Дунёда шундай касблар борки, эл-юртга келтираётган фойдаси ҳақида қанча гапирсанг ҳам озлик қилади. Ана шундай масъулиятли, айни чоғда ша-рафли касблардан бири ёнфин ўчирувчиликдир. Суннат Каримжонов ҳам шу соҳани танлаган эди. Бу касб дунёдаги энг хавфли хизматлар рўйхатининг юқори ўринларидан бирида туради. Қаерда ёнфин чикса, ўт ўчирувчилар шу ерда ҳозир уларда. Шундай вақтлар бўладики, ўзгалар мулки, ҳаётини асраш учун тилсиз ёв ҳамласига дадил, мардларча жавоб қайтариб, уни тизгинлашга бор куч ва маҳоратларини сарфлашади. Керак бўлса ўз жонларини ҳам аямайдилар.



Шу йил 10 октябрь куни кеч соат 22 дан 52 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар ИИББ ёнфин хавфсизлиги бошқармасининг диспетчерлик хизматида Миробод туманидаги “Гўштсутсаво” очик акциядорлик жамияти ҳудудидаги музлатиш камерасида ёнфин бошлангани ҳақида хабар келиб тушди. Навбатчи хабарни олган заҳоти жанговар сафарбарлик эълон қилди. Ҳозиргина сукунат қўйнига чўмган шаҳар кўчаларини ўт ўчирувчи машиналарнинг юракни ларзага келтирувчи сиренаси босиб кетди. Кўрсатилган манзилга Яккасарой, Миробод, Хамза, Бектемир ҳамда Юнусобод туманларини ёнфиндан муҳофаза қилувчи қисмларидан жанговар бўлиналар етиб келди. Ўт ўчирувчилар зудлик билан оловни ўчириш чораларини кўра бошлашди. Ёнфин содир бўлган жойдан куюқ тутун буралиб чиқар, бу эса содир бўлган ёнфиннинг жиддийлигидан далолат беради.

Музлатиш камерасида бошланган ёнфин тобора авжига чиқарди. Ҳамма ёқни қамраб олган қора куюндан ҳатто ярим метр масофадаги нарсани кўриб бўлмасди. Офат ва ўт ўчирувчилар жангги шиддат билан давом этар, тизгинини йўқотган аланга тобора кўкка интиларди. Ниҳоят ёнфин бартараф этилди. Бир суткадан ортиқ давом этган бу ёнфин сўнгги йиллар ичида энг мураккаб ва узоқ давом этгани билан тарихда қолди. Афсуски, у билан боғлиқ кўнгилсизлик ҳам кўпчиликнинг дилини вайрон қилди. Шу куни ёнфинни бартараф этиш чоғида Яккасарой тумани ёнфиндан муҳофаза қилувчи 21-қисм ўт ўчирувчиси, сафдор Суннат Каримжонов хизмат вазифасини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлди.

– Мен Суннатни болалик чоғларидан билардим. – дейди биз билан суҳбатда унинг қўшниси Қобилжон Одилжон ўғли. – У жуда тиришқоқ, меҳнаткаш эди. Баъзи бир тенгдошларига ўхшаб бекорчиликни ўзига касб қилмади. Аксинча, эл-юрт ишига камарбаста, халқ қорига ярайдиган, мард, жасур ўғлон бўлиб етишди. Ундаги интилувчанлик, қатъий ёшлик йиллариданок намоён бўлган эди. Ана шу хислатлари ўт ўчирувчилик касбида жуда асқотди. Ишга кираётган вақтида мен ҳам унга тавсифнома ёзиб берган эдим. Суннат нафақат ишда, балки маҳалла юмушларида ҳам фаол эди. Маҳаллада ҳашар бўладими, тўй-маъраками, барчасида иштирок этарди, куйди-пишди эди. Жанозага келган ҳамкасбларининг гапларига қараганда ёнфинни ўчириш вақтида ҳам у мардларча ҳаракат қилган. Бу йўлда ҳатто ўз жонини ҳам аямабди. Жойи жаннатда бўлсин. Гарчи у жисман орамизда бўлмаса-да, мардлиги, қаҳрамонлиги билан ҳамкасблари, маҳалладошлари, дўстлари қалбида мангу яшайди.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтади. Содир бўлган бу ёнфин асоратлари ҳам унутилади. Лекин мард, жасур ўғлон, ўз касбининг мохир устаси, оиланинг сеvimли фарзанди, дўстларининг содиқ биродари, эл-юрт манфаати йўлида машаққатли ва ша-рафли касбига содиқ қолиб, ўз хизмат бурчини охиригача ҳалол бажарган Суннат Каримжоновнинг хотираси ҳеч қачон унутилмайди.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА.

СОҲА
РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧИДА

тижаларни бермаяпти ва айтарли даражада ўзгаришлар қилинмаяпти.

Хизматга замонавий сигнализация воситаларини жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, дунёнинг энг илғор техника воситалари, ютуқларидан фойдаланишга интилмамоқдамиз. Шу мақсадда 2001 йилда МДХ давлатлари ва дунёнинг энг илғор сигнализация воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фирмалари иштирокида “Хавфсизлик-2001” семинар кўргазмаси ташкил этилди. 2002 йилда эса худди шундай кўргазма халқаро миқёсда бўлиб ўтди. Шунингдек, МДХ давлатларининг кўриқлаш хизматлари билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ходимларимиз Санкт-Петербург шаҳрида хизмат сафарига бўлдилар, Алмати ва Киев шаҳарларида ўтказилган йиғилишларда иштирок этишди.

Хизматга техника воситаларини жорий қилиш масалаларини маслаҳатлашилган тарзда ҳал қилиш мақсадида Бирлашмада Техника кенгаши тузилди. Унинг таркибига кўриқлаш хизматининг энг малакали ходимлари киритилган. Бугунги кунда хизматга татбиқ этилаётган ҳар қандай сигнала-

“Аргус-спектор” ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти билан замонавий хабар узатиш системасини синовдан ўтказиш бўйича шартнома туздиқ. Ушбу система 2002 йилнинг октябрь ойидан 2003 йилнинг июлига қадар Тошкент шаҳрида синовдан ўтказилди. Синов натижаларига кўра у бизнинг шароитга мос келиши, самарали ишлаши аниқланди. Ундан Тошкент шаҳри туманларидан бирида фойдаланяпмиз.

Кўриқлаш хизматининг моддий-техник таъминотини яхшилаш борасида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди. Энг аввало, ходимларни янги намунадаги хизмат кийими, автотранспорт билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Кейинги тўрт йил давомида кўплаб янги автомашиналар харид қилингани ҳам айтиб ўтиш зарур. Юздан ортиқ автомашина эса эскиргани, хизматга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги сабабли ҳисобдан чиқарилди.

Кўриқловнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш мақсадида юзлаб компьютер техникаси, радиоалоқа воситалари олинди ва жойларга тарқатилди. Бугунги кунда ушбу техникалардан хизматнинг ишончилигини таъминлашда фойдаланилмоқда.

Кўриқлаш хизмати-

«ИСТЕЪДОД» ТАНЛОВИГА

«ЭНГ ЯХШИ СУРАТ-ЛАВҲА»



— Юлдузли кунларинг ҳали олдинда, болам!
Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ олган сурат.

МЕН ПОСТДА
ТУРИБМАН

Душманлар ўқига вужудим қалқон,
Юрт учун фидодир тандаги бу жон.
Фанимлар боғимни этолмас пайхон,
Эй Ватан, бизларга ишон ҳар қачон!

Онажон, сиқилма йўлимга қараб,
Яшагин эртанги кундан ғам чекмай.
Келажак уфқига дадил боқ, халқим,
Мен постда турибман, хизматингга шай.

Гар кўнглинг очикдир — йўл ҳам очикдир,
Буюк Ипак йўли мунтазир сенга.
Меҳримнинг кўёши нурлар сочибдир,
Эй меҳмон, келавер азиз юртимга!

Эй ёшлар, боғларда сайр айланг шодон,
Кузатиб турибман, постдаман ҳушёр!
Куч — қувват бағишлар Ватан — онажон,
Доим илҳом берур жондан севган ёр!

«ЭНГ ЯХШИ ШЕЪР»
ТУРКИСТОН

Туркий тилим — она тилим, ўзингсан,
Сиру синоатга тўлуғ сўзимсан.
Ердаги жаннатнинг худди ўзисан,
Она юртим, буюк Турон, Туркистон!

Аллоҳ бизга Инъом этган ҳудудсан,
Аму, Сир соҳили — битта вужудсан,
Тарихий илдизи теран бир юртсан,
Ота макон, бойликка кон Туркистон!

Йигитингда мужассам шер қуввати,
Қизларингда Тўмариснинг савлати,
Шоирларинг — буюкларнинг авлоди,
Гулла, яшна, туркийзабон Туркистон!

Тарихинг жам Самарқанду Шошингда,
Кўп сир пинҳон ҳар гиёҳу тошингда,
Ҳумо қуши қўнаверсин бошингда,
Келажакинг нурга ошён, Туркистон!

Жуманияз ОТЕНИЯЗОВ,
майор.

«ЭНГ ЯХШИ ДЕТЕКТИВ ҲИКОЯ»

Кузнинг ҳам тайини қолмади. Одатда фаслнинг ўрталаридан бошлаб бир текис, шивалаб ёмғир ёғувчи эди. Энди бўлса ёз этагини йиғиштириб олишга улгурмай чақмоқ чақиб, шаррос жала қуйиб бераяпти. Бундай пайтда Қоракамар қишлоғидан икки чақиримча наридан оқиб ўтувчи дарё ён-атрофдаги экин майдонлари бўйлаб тушаётган оқава сувлардан лойқаланади. Кўпириб, бир вақтлар сув камайгани учун ўзи чекинган, эндиликда лой аралаш қум барханларига айланган ялангликлар оша, қирғоққа тўш урмоқчи бўлади.

“Чуқурни яна лойқа босадиган бўлди-да, — хаёлидан ўтказди Қўзивой ёмғирни экскаватор кабинасидан кузатар экан. — Нима ҳам қила олардим, барвақт ҳаракат қилиб, то машиналар қумга келгунча чуқурни тозалаб, тайёрлаб қўйишдан бошқа иложим йўқ”.

Қўзивой очик қум конида ёлғиз суворийдек қаққайиб турган экскаваторнинг ҳайдовчиси. Кундузлари бу ерда ҳаёт қайнайди, атрофни экскаваторнинг тариллашию, юк машиналарининг шовқини тутади. Тунда эса қишлоқдан анча бери бўлгани учун қум кони сукутга чўмади, жимликни дарёнинг шовиллаши бузади, холос. Қўзивой кундузи ишлаб, тунлари экскаваторни кўриқлашга қолади. Топиши чакки эмас. Хусусийлаштириб олинган қум конининг хўжайини унга икки ҳисса ҳақ тўлайди — экскаваторни бошқаргани ва унга қоровуллик қилгани учун.

Кабинадан қўл фонарни олган Қўзивой пастга тушди. Кундузи тоза қум кавлаб олинган чуқур қай аҳволга тушганини билиш учун унга яқин борди-да, фонарни ўша томонга тўғрилади. Чуқурга лойқа сув ёпирилиб кирар, вишиллаб айланганча камар ҳосил қилиб, яна чиқиб кетарди. Шу пайт Қўзивой дўшайган нарса пўкақдек қалқиб, сувга бир кириб, бир чиқаётганини кўриб қолди. Аввалига уни бирорта жониворнинг ўлиги бўлса керак, деб ўйлади. Йўқ ўхшамади. Танғилган қоп эмасмикан? Қўзивой экскаватор яқинида ётган йўғон симни олди-да, учини чангақ қилиб, “топилма” қирғоққа яқинлашганда аста тортиб олди. У оғир бўлиб, ҳақиқатан ҳам оғзи танғилган қоп эди. Қўзивой бироз нафасини ростлаб, чилвирни ечди. Қопнинг оғзини очдию сесканиб, ортига тисарилди. Қўрққанидан калима келтириб, яна унга яқинлашди. Фонарнинг ёруғида бутун тана, кийимлари, ҳатто очик қолган кўзларигача лойқа босган одамнинг мурдаси кўзга ташланарди...

Прокуратура терговчиси Аминжон Турдиев Тоживойни илиқ қарши олди.
— Қани, яқинроқ ўтир-чи, — деди у

тезкор ходимнинг бақувват қўлини кафтига олиб сиқар экан. — Меҳнат таътили қалай ўтди? Қарларда бўлдинг?

— Иморатнинг чала қолган жойларини битириб олдим, Аминжон ака, деди Тоживой бўш курсилардан бирига ўтирар экан. — Ишга келсам бўлим бошлиғи сизга учрашишим кераклигини айтди.

— Унга тезкор гуруҳга Зоировни ҳам жалб қилгин, деб ўзим илтимос қилдим. Ёшсан, ақл-хушинг жойида, жиддий иш билан шуғуллансанг пишасан. Бутун хизмат давомида киссавурларни

— Ашъвий далиллар жасади солинган қопу, қопни боғлашга ишлатилган чилвир. Ҳозирча шулар. Қотилни топиш учун булар озлик қилади, албатта. Шунга қарамай тахмин қилиш учун асос бор: бундай синтетик қопдан одатда тижоратчилар, яъни бошқа давлатлардан кийим-кечак ва бошқа нарса-лар олиб келувчилар фойдаланишади. Чилвир эса кўп қаватли уйларнинг балконида кир ёйиш учун тортиб қўйилган ипак ипдан қирқиб олинган бўлиши мумкин. Кўрииб турибдики, жабрдийда кўп қаватли уйда яшайди, ўзи ёки яқинларидан бирортаси бозорда савдо-

Суратдаги жувон ниҳоятда латофатли эди. Мурда сувга ташланганига кўп вақт бўлмагани учун ҳали уринмаганди. Шу боис аёлнинг юзидаги кичик жароҳатни айтмаса сийрати тўлиқ сақланиб қолган эди. Тим қора сочлари, узун киприклари ва бодом қоқоқлари чиройидан дарак бериб турар, гўё у тиригу, жилмайганча ширин туш кўриб ётганга ўхшарди.

— Бир оилани обод қиладиган, шундай келишган жувоннинг умрига қайси номард зомин бўлди экан? — деди Алишер Мирабдуллаев суратга узоқ тикилиб туриб.

— Алишер ака, эҳтимол марҳума сизнинг худудингизда яшагандир, — сўради Тоживой ундан.

— У бу ерлик эмас. Қишлоқда ўн саккиз йилдан бери ишлайман. Катта-кичик одамларнинг бари таниш, — деди профилактика инспектори қатъий.

— Унда шаҳар ёки бошқа қишлоқдан олиб келинган экан-да.

— Шаҳарлик эканига кўширмайман, — эътироз билдирди профилактика инспектори. — Чунки шаҳардан бизнинг худудгача бўлган масофа камида йигирма чақирим келади. Бунинг устига чегара маскани бор. Ҳар бир машина текширилади. Шундай экан машинасига мурда ортган қотил бу даражада таваккал қилмайди, деб ўйлайман.

— Гапингизда жон бор. Аммо у айланма йўллар орқали ўтган бўлса-чи. Кейин аёл қишлоққа келтириб ўлдирилган дейлик, бу ҳолда уни қопга солишнинг ҳожати бормиди? Чилвир ҳам бирор жойда ётиб, уринган эмас, янги қирқиб олинган. Қишлоқдан дарёга олиб борувчи нечта йўл бор?

— Иккита. Биттаси аҳоли яшайдиган худуддан ўтиб, қум конига тутадади. Иккинчиси орқали хўжалик олазорини оралаб, дарёнинг юқори қисмига бориш мумкин.

— Қотил қум кони борлигидан хабардор бўлса иккинчи йўлдан фойдаланган бўлиши мумкин, — деди Тоживой.

— Буни текшириб кўришимиз керак.

Шу кунни Зоиров профилактика инспектори билан талайгина хонадонларга кириб чиқди. Экскаваторчи Қўзивой, ёқилғи қуйиш шохобчаси, олмазор қоровули, дарё бўйидаги адирда мол боқаётган болалар ҳам эътибордан қолмади. Аммо бирор кишидан жўяли гап эшитмадилар. Қоп қораяй деганда изкуварлар ҳориб-чарчаб, милиция таянч пунктига қайтиб келишди. Алишер Мирабдуллаев гузардаги чойхонадан нон, қанд-қурс, бир чойнак чой олиб келди. Улар энди тамадди қила бошлашганда остонада бир кампир пайдо бўлди.

(Давоми бор).

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
майор.

ЎГЛЙ УЖА



қувлаб юрмайсан-ку ахир!

— Тўғри айтасиз, Аминжон ака, — деди Тоживой ёши эликларга бориб қолган бўлса-да ҳали тетик, камтарин, юз-кўзларидан меҳр ёғилиб турган терговчининг сўзларини маъқуллаб.

— Ундай бўлса ишга киришамиз, — шундай дея терговчи столнинг четида турган йиғмажилдлардан бирини олди суриб очди. — Қоракамар қишлоғи яқинида рўй берган воқеа бўйича туман прокуратураси жиноят иши кўзгади. Қотиллик тафсилотлари билан танишиб чиқдингми?

— Ҳа, қисман.

— Яхши. Марҳума 30-35 ёшлардаги аёл, Осиё миллатига мансуб. Тиббий-экспертиза хулосасига кўра кўкрак, қовурга ва бошқа тана қисмлари қаттиқ жароҳатланган. Зўрлаб номусига тегиш аломатлари йўқ. Ўлим ҳолати юз бергандан то экскаваторчи мурдани сувдан чиқариб олгунгача ўн саккиз соат вақт ўтган.

— Ашъвий далиллар борми? — синчковлик билан сўради катта лейтенант.

сотик билан шуғулланади. Хўш, сен қандай фикрдасан? — Зоировга юзланди терговчи.

— Аёлнинг шаъни булганмаган экан, унда қотиллик босқинчилик ёки жонга қасд қилиш мақсадида содир этилган бўлса керак.

— Эҳтимол, — терговчи йиғмажилддан сурат олиб, тезкор ходимнинг олдига қўйди. — Бу ўша жабрланган аёлнинг сурати. Биз аввало марҳуманинг шахсини аниқлашимиз зарур. Шунда жиноятнинг очилиши тезлашади. Тезкор гуруҳ сафида Қоракамар қишлоғи профилактика инспектори Алишер Мирабдуллаев ҳам бор. Икковингиз аҳолидан бир кеча-кундуз давомида шубҳали шахслар ёки нотаниш машина кўрган-кўрмаганини суриштирсангизлар. Воқеа жойини бориб кўринг, зарурат туғилса экскаваторчи билан суҳбатлашинг. Мен эса бозорчилар билан гаплашиб кўраман.

Терговчи Тоживой билан хайрлашиб учун ўрнидан турди.

САЛОМАТЛИК САҲИФАСИ

Бош мия инсон ҳаётида жуда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун табиат бу аъзони яхшилаб ҳимоя қилишнинг деярли барча чорасини кўрган. Бош мия махсус суюқлик ичида сузиб юради. Уни бош чаноқ суяги ўраб туради. Аммо табиат битта нарса – инсоният жамиятидаги техник тараққиётни назарда тутмаган. Транспорт воситалари, спортнинг экстремал турлари, ишлаб чиқариш суръатлари ва бошқа омиллар бош чаноқ – мия жароҳатларига олиб келади. Бундай хасталикларнинг энг кўп тарқалганларидан бири мия чайқалишидир.



БОШДАГИ «ЗИЛЗИЛА»

Йиқилиш, бошга кучли зарба тегиши, ҳатто киши автомобил ичида бўлганида машинанинг кескин тезлашиши ёки секинлашиши ҳам мия чайқалишига олиб келиши мумкин. Бунда мия силкиниб, ўз ҳолатини ўзгартириб, бош чаноққа урилади.

Касалликка ташхис қўйиш анча мураккаб. Баъзан киши мияси чайқалганда ҳушидан кетади. Бу ҳолат бир неча сониядан бир неча соатгача давом этади. Аммо гоҳида киши ҳушидан кетмаслиги ҳам мумкин. Хасталикка хос муҳим аломат онгнинг ўша пайтда хиралашуви-

дир. Шунингдек одам мияси чайқалган пайтда ёки ундан олдинроқ юз берган воқеаларни эслай олмаслиги мумкин. Киши ранги оқариб, кўнгли озиб, қайт қилади, боши оғрийди, айланади, қулоғи шанғиллайди, ҳолсизланади.

Мия чайқалишидан кейин кўз қорачиқлари кенгайиши ёки торайиши мумкин. Бемор кўз шифокорига кўриниши лозим. Чунки мия чайқалиши кўз тубига ҳам салбий таъсир этади.

Бундай жароҳатланиш, айниқса, бош миянинг пастки қисми (унинг орқа мия билан боғланган)

жойи)га жиддий зарар етказиши эҳтимолли бор. Миянинг айнан шу қисми организмнинг асосий фаолият турларига, жумладан, нафас олиш ва юрак уришига жавоб беради. Мияси чайқалган кишининг нафас олиши ва юрак уриши тезлашиши мумкин.

Мияси чайқалган, деб гумон қилинган кишига аввало тинчлик-хотиржамлик керак. Уни пардалари туширилган, қоронғирок, тинч хонага бошини хиёл баланд қилиб ётқизиш қўйиш лозим. Шифокор беморга бир неча кундан бир неча ҳафтагача ётиб даволанишни тавсия этади. Пешонага (бошга) совуқ сувда намланган латта ёки муз солинган грелка қўйса бўлади. Беморга кўп суюқлик бермаган маъқул. Оз-оздан ширин чой ичириш мақсадга мувофиқ. Спиртли ичимлик ичиш асло мумкин эмас.

Киши ҳушсиз ёки шок ҳолатида бўлса, «Тез ёрдам» келгунича унинг нафас олиши ва юрак уришини кузатиб туринг. Зарур ҳолларда беморни сунъий нафас олдириш керак.

Мия чайқалишидан кейин беморга муайян вақт давомида мутолаа қилиш, телевизор кўриш, мусиқа эшитиш тақиқланади. Одатда дастлабки кунлар бемор кўп ухлайди. Бу табиий ҳол. Чунки жароҳатланган мия тезроқ ўзини тиклаб олишга интилади. Ана шу мақсадда шифокорлар ҳатто тинчлан-

тирувчи, оғриқни камайтирувчи ва ухлатувчи воситалар тавсия этишади.

Ташхисни аниқлаш, бошқа асоратларга йўл қўймаслик учун шифокорлар бошқа муолажалар, профилактик чоралар ҳам кўришади.

Даволанишга эътиборсиз бўлган ёки бундан бош тортган бемор бошқа дардлар ҳам орттиради. Касалликни яхши даволамаслик натижасида келиб чиқадиган асоратлардан қутилиш икки-уч ҳафта ётиб шифокорнинг тавсияларини бекаму кўст бажаришдан анча қийин кечади. Бу асоратларнинг энг энгили ҳойнаҳой қувватсизлик, тез чарчаш, диққатни тўплай олмаслик, бош айланиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш бўлса керак. Кейинроқ бу уйку бузилиши, депрессия, кўрқув, тажанглик, ҳатто сержаҳллик орқасидан ўзини идора этолмасликка олиб келиши мумкин.

Кишининг юқумли касалликлар, спиртли ичимликларга сезгирлиги ошади, боши тез-тез оғрийди, энгашганда, жисмоний иш билан шуғулланганда бош оғриғи кучаяди.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Касалликлар рўйхатини яна давом эттирса бўлади. Галлюцинация, алаҳсираш, хотиранинг пасайиши кабилар ҳам шулар жумласидандир. Хулоса шуки, мия чайқалишига беътибор бўлманг, яхшилаб даволанинг.


ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Куйидаги коктейль камқонликни даволашда жуда фойдалидир. Уни тайёрлаш учун ярим кило сабзини қирғичдан ўтказиб, устига ярим стакан совуқ сув қуйинг. Икки соатдан сўнг докага ўраб сиқиб, ярим стакан лавлаги шарбати, таъбингизга қараб асал ёки шакар қўшиб обдон аралаштиринг. Қунига ярим стакандан уч маҳал ичиш керак.

Янги узилган қовоқнинг шарбати жигар ва буйрак фаолияти бузилганда яхши даводир. Қунига бир стакандан ичсангиз холецистит, цистит, пиелонефрит каби хасталикларнинг тузалишига ёрдам беради. Дўконда сотиладиган қовоқ шарбатларидан фойдаланса бўлади. Ўзингиз тайёрласангиз ҳам ҳеч қийин жойи йўқ. Бунинг учун бутун қовоқ олиб, тепасидан ўясиз. Уруғини олиб ташлаб, ўрнига асал солиб, яна кесилган бўлакни жойига бекитиб қўясиз. Тирқишларини ҳамир билан суваб, 9 кун қоронғу жойда сақлайсиз. Қарабсизки, шарбат тайёр. Ундан қунига уч марта бир ош қошиқдан ичинг.

Эманзор ичида сайр этиш боши оғрийдиган одамларга фойдали таъсир этади. Қон босими юқорилар учун ҳам бу фойдадан ҳоли эмас. Агар бунинг имкони бўлмаса, эман новдасини ухлайдиган ўрнингиз тепасига, юзингизга яқин жойга осиб қўйсангиз ҳам, ундан тараладиган ёқимли ҳид сизга шифобахш таъсир этади.

Бирор жойингизни қаттиқроқ жисмга уриб олганингизда кўкариб қолмаслиги учун бир бош пиёзни сиқиб, сувига тампонни хўллаб босинг. Фақат тери тирналган, қонаган ҳолларда бу муолажани қилиб бўлмайди.



Ақсар одамлар уйда узлари харид қилган асбоб-ускуналар ёрдамида қон босимларини ўлчашади. Фақат эсингизда бўлсин, бу вақтда бировлар билан гаплашиш, бирор нарса мутолаа қилиш мумкин эмас, акс ҳолда асбоб нотўғри кўрсаткични кўрсатади. Шифокорлар таъкидлаганидек, қон босмингизни ўлчаётганингизда фақат ҳеч бир машғулотга чалғимай жим турсангизгина, ҳақиқий маълумотга эга бўласиз.

Кўпинча озиш, ортиқча вазндан халос бўлиш учун организмдаги модда алмашинувини меъёрига келтириш кифоя. Агар уч ой давомида ҳар куни 4-5 марта бир-икки ош қошиқдан лавлаги шарбати ичсангиз, озиб кетасиз. Бу муолажа ичаклар фаолиятини яхшилади, ортиқча ёғларни парчалади, доимий ҳорғинликни даф қилади.

Ҳамон кашандаликдек зарарли одатдан қутилмаган бўлсангиз, ҳеч бўлмаса унинг зарарини камайтириш чораларини кўринг. Масалан, оқ қарам ёки балиқ истеъмол қилинг.

Мутахассисларнинг аниқлашича, бу маҳсулотлар таркибидаги кислота ўпканинг сезгир тўқималари тамаки тутунидан зарарланишига анчамунча тўсқинлик қиларкан.

Хар кимки жафо қилса..

“Ақидани ўлдириб кетишибди!” Миттитуманда яшовчилар орасида энгил-таклиги билан кўпчиликка танилган бу аёлнинг ўлимига ачинганлар ҳам, қўл силтаганлар ҳам бўлди. “Ажаб бўпти. Саёқ юрган – таёқ ейди”, деди кимдир. “Бечорани қайси уйнинг куйгур шу куйга солибди”, деди бошқа биров. Хуллас, худудда турли гап сўзлар кўпайиб борар, қотилнинг кимлиги эса номаълум эди.

Воқеа жойига етиб келган тезкор-тергов гуруҳи ишга киришди. Хангоматалаб қўшнилардан бир нечтаси тезкор вакил, лейтенант Рустам Азизовга марҳума ҳақида эшитган-билганларини кўшиб-чатиб гапириб беришди. Бу гаплардан йигирма тўққиз ёшли Ақида беш йил аввал эри билан ажрашиб, шу икки хонали уйга эга бўлгани, кўринишидан тузуккина эри жанжалкаш хотиндан қутулганига шукр қилиб, уйни унга ташлаб кетгани ва беш йил давомида ҳатто қизини кўриш учун ҳам келмагани маълум бўлди.

– Ақиданинг қизи қишлоқда, бувиси билан бирга яшайди, – деди билафонлик билан марҳуманинг уйдан бир қават пастанда яшовчи Тожи хола. – Шўрлик онаси борлигини ҳам унутиб юборган-ов. Ақида онаси ва қизининг келишини ёқтирмасди...

– Эркин яшашга ўрганганди-да, – гап қўшди қўшнилардан яна бири. – Кунда-кунора жазманлар билан базми-жамшид бўлиб тургандан кейин онаси билан боласи кўзга кўринармиди?

– Уйга кўпроқ кимлар келарди? Улар орасида сиз танийдиганларингиз ҳам бормиди? – қўшни аёлдан сўради тезкор ходим.

– Битта мен эмас, ҳамма танирди бу хонадоннинг “кунда-шунда”ларини. Айниқса, жингалак сочли новча йигит – исми Одил эди, шекилли кеча-кундуз шу ерда эди. У билан Ақида тўғрисида ҳархил гаплар юрарди.

Эксперт-криминалистар хонадонда ўз ишларини битиргунча, Рустам Азизов қўшнилардан анча нарсаларни билиб олди “биринчи галда Одилни топиб, суҳбатлашиш керак”, деган хулосага келди у.

Қотиллик содир бўлган Миттитуман худуди кичик бўлиб, аҳоли деярли бир-бирини яхши танирди. Шу боис шоҳбекатга бориб, марҳуманинг Одил билан тушган сурати кўрсатилганда бир неча киши “бу йигит бизнинг туманда яшамайди. Уни автошоҳбекатда кўргандаймэн”

деганга ўхшаш гапларни айтишди. Одилнинг баланд бўйи, жингалак сочлари баъзи автобус ҳайдовчиларининг ҳам ёдида қолган экан.

Сурат кўпайтирилиб, ҳатто бошқа вилоятлар ички ишлар идораларига юборилгани наф берди. Одил эртаси куниниёқ қўшни вилоятдан пойтахтга кетаётганда қўлга олинди.

Одил Тамилла опанинг ёлғиз фарзанди эди. Эри ўлиб, қўлида уч ойлик фарзанди билан қолган аёл шу боласини деб қайта турмуш қурмади. У ўзи емай унга едирди, киймай, кийдирди. Еру кўкка ишонмай ўстирган ёлғизини “ўтиш даври” – ўн тўрт – ўн беш ёшга етганида эплломай қолди. Унга отанинг

да ёлғиз яшайдиган кампирнинг эшиги очиқ қолганидан фойдаланиб, уйга кирди-ю палосини олиб чиқиб, сотди. Уй эгаси уни елкасида палос билан кетаётганини кўрса-да “тўхта” дейишга кўрқди.

– Ақиданинг уйга турлитуман одамлар меҳмонга келишар, бири ўзи олиб келган аёл билан, бошқаси эса Ақида билан айш-ишрат қиларди, – дея кўрсатма берди Одил.

– Ақидани севардим, деяпсиз. Севсангиз, унинг бошқа эркаклар билан бўлишига гашингиз келмасмиди?

– Тўғриси, гашим келардию ўзимни босардим. Сабаби, ўша меҳмонлар бизнинг асосий даромад манбаимиз эди. Улар келмаса, биз пул тополмай, қийналиб қолардик. Ми-

ларда Ақида ҳам бошқача бўлиб, Колянинг Одилга қилаётган муомаласини кўрмаётгандек, индамай, ўз иши билан овора бўлиб юрарди. Одил айнан Коляни айблаш билан қотилликни ўз бошидан соқит қилиш ҳамда рақибидан ўч олишни кўзлаганди. Терговчи эса...

– Сиз кимнингдир тўхматига асосланиб, мени айбдор қилмоқчимисиз? – Ниҳоят ақлини йиғиб олган Одил баланддан келмоқчи бўлди. – Ақида ўлдирилган кундан бир кун олдин уйдан чиқиб кетганман, тўғрироғи, мендан зўрроғи... келиб, мени уйдан ҳайдаб чиқарган. Ақида “ҳайдама” дейишга ҳам ярамаган. Тўғри, қўлимда пичоқ бор эди. Салат тайёрлаётгандим. Коля “салатинг ҳам, ўзинг ҳам ортиқчасан” деб, мени уйдан итариб, чиқариб юборди. Кўчада қарасам, пичоқни ҳалиям кўтариб юрибман. Уни иргитиб юбориб, жўнаб кетдим. Қаттиқ хафа бўлганимдан, “бу уйни елкаминг чуқури кўрсин” дея бошқа келмасликка аҳд қилдим...

– Ақиданинг уйдан қайси кун чиқиб кетганингиз?

– Уч кун аввал, кечаси, – ўйламай, жавоб берди Одил – Ақида эса эртасига ўлдирилган.

– Унинг ўлдирилганини қаердан билдингиз? Ким айтди бун сизга? Мен сизга “Ақида ўлдирилган” ёки “пичоқ уриб, ўлдирилган” деган гапларни, воқеа қайси кун юз берганини айтганим йўқ-ку? Бу гапларни кимдан эшитдингиз?

– Ақида... тирикми? Ўлмаганми? – Одилнинг ранги янада бўзарди. – Бўлиши мумкин эмас! У – ўлган!

– Унинг ўлганини пичоқлаб ўлдирилганини қаердан биласиз?

Одил бошини эгганча, жим қолди. Бармоқларининг тинимсиз титраши ички кечинмаларини сездириб турарди.

Одил терговчининг тузоғига осонгина илиниб, қовун туширганини сезган, ундан чиқиб кетиш йўлларини излар, лекин мияси қарахт бўлиб қолганидан хаёлига тузукроқ бир фикр келмасди... У “Ақида тирик қолгану бўлган воқеани гапириб берган экан-да?” деган ўйга келди.

Одилнинг батамом таслим бўлганини сезгач, терговчи истеҳзоли жилмайиб, унинг олдида бир даста қоғоз билан ручка қўйди...

(Давоми бор).
М. ҚАЮМОВ, майор.
Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

«БОЛАМ, ОВҚАТИНГНИ ИСИТАЙМИ?..»

қаттиқ қўли етишмадими, онаси ҳаддан ташқари талтайтириб юбордими ёки кўча болаларининг таъсирига берилдими, бинойидек мўминқобил бўлиб ўсаётган бола айниди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай уч шериги билан ўғрилиқ қилиб қамалиб кетди. Муддатини ўтаб қайтгач эса кўчадан бери келмай қолди. У энди онаси ҳақида мутлақо қайғурмас, фикри-хаёли яхши еб-ичиб, маишат қилишу қинғир йўллар билан бўлса-да пул топиш эди. Она бечоранинг гоҳ ялиниб, гоҳ йиғлаб-сиқтаб, баъзан уришиб-койиб қилган панд-насихатлари кор қилмас, доим кўчага, улфатлари сари талпинар, бирор жойда ишлашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Ана шундай дайдиб юрган кунларининг бирида Одил Ақида билан танишиб қолди. Кўп ўтмай, муносабатлари “оташин севги”га айланди. Уларнинг ёшида анча фарқ бўлса-да феъл-атворлари ўхшашлиги туфайли бу унчалик сезилмас эди. Баъзан Ақида Одилдан бир – икки кун онасининг олдида бўлишни талаб қилар, йигит бунинг сабабини яхши англаса ҳам, итоат этишга мажбур эди.

Шу тариқа ҳаёт кечираётган Одил бангиликка мубтало бўлди. Ақида баъзан уни “меҳмон” қилар, аммо кўпинча “дори” топиш Одилнинг чекига тушарди. Бир кун у хумори тутганда пастки қават-

жозлар ўзлари билан турли егуликлар, ичкилик келтиришар, кетаётганларида эса анча пул беришарди. Шу туфайли биз бирор нарсага зорикмай яшардик.

– Шундай экан, Ақидани нима қилдингиз?

Одилнинг қўллари титраб, галати сесканиб кетди. – “Бу ишни мен қилмадим” дейишни хаёлингизга ҳам келтирманг. Унинг уйдан ярим тунда чиқиб, қўлингиздаги нарсани чиқинди уюми томон отганингиз, кейин атрофга аланглаб кетганингизни кўрган гувоҳлар бор...

Одилнинг буғдойранг юзи бўзариб, кўкимтир тус олди. У бунчалик тез фош бўламан, деб ўйламаганди. У хаёлан режа тузиб олганди. “Ҳеч кимга кўринмай, сездирмай пойтахтга етиб оламан, Ақиданинг ўлганини билганим йўқ, энди эшитяпман. У мени уйдан ҳайдаб юборгани учун аразлаб, бу томонларга келиб қолганман. Уни доимий “меҳмон”ларидан бири турки совук, бурни сумакдек, кўзлари чақчайган, сочи типратиконга ўхшаш, кўпчилик уни “Коля” деб чақирадиган, ҳақиқий исмини билмайдиганим барзангини қотил сифатида рўпара қиламан” деб ўйлаган эди. Чунки Коля келган кун Ақиданинг хонадониди Одилга ўрин йўқ, у: “Қани, болакай, бир-икки кун ойижонингнинг ёнига бориб тур. Опажонинг банд” дея ҳайдагандай қилиб чиқариб юборар, бундай пайт-

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Каттақўрғон тумани “Қоракулча” хўжалигилик П. Неъмат эрталаб туриб қараса, сўқимликка боқиб юрган буқаса йўқ. Кўрилган чоралар натижасида ўғри ушланди. У юқоридаги хўжаликда яшовчи 39 ёшли С. Элмурод бўлиб чикди.

18 октябрь куни Каттақўрғон шаҳрида бир кишининг хатти-ҳаракати ички ишлар ходимларига шубҳали бўлиб туолди. Текшириб кўришганда унинг ёнидан героин гиёҳвандлик моддаси чикди.

Эртаси кун соат 16.30 ларда Ургут туманида “Тозалаш” тадбири чоғида Ю. Комил 5 г героинни 80 минг сўмга сотаётганида қўлга тушди. Ўша кун Д. Нигоранинг уйдан 14,5 грамм героин топилди.

Баъзан фуқароларнинг ўта ишонувчанлиги ўзига панд беради. Самарқанд шаҳрилик В. Гулнора таниши М. Мамадга “Раф-2203” русумли машинасини ойига фалон сўмдан бериб турасан, деб оғзаки келишиб топшириб қўйди.

Таниши машинани қалбаки ҳужжатлар асосида сотиб юборганини эшитиб, ханг-манг бўлиб қолди. Жабрдийда дарҳол ички ишлар идорасига муурожаат қилди. М. Мамад энди қилмишига яраша жавоб беради.

Сим ўғрилари ҳамон учраб турибди. Нуробод тумани “Каттақўрғон” ширкат хўжалигида шундай ҳолат қайд этилди. Тайинли жойда ишламайдиган икки киши маҳаллий алоқа бўлимига қарашли 500 метр узунликдаги симни ўғирлашаётганда қўлга олинди.

Самарқанд шаҳрилик Т. Маъмура 18 октябрь куни захарланиб, касалхонага ётқизилди. Суриштирув чоғида у янглишиб “тубозид” ҳапдорисини ичиб юборгани маълум бўлди.

Узоқ давом этган тезкорқидирув ишларидан сўнг ниҳоят ўғирлик ва босқинчилик жиноятлари содир этиб, қидирувда бўлган Самарқанд шаҳрилик Б. Мухторнинг қаердалиги аниқланди. У Россия Федерацияси худудида ўша ердаги қилмишлари учун жазо ўтаётган экан.

Дилбар САЛОҲИТДИНОВА.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва Ташкилий-инспекторлик бошқармаси шахсий таркиби бош инспектор, полковник А. Тиллаходжаевга онаси
РАЯ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби мактаб бошлигининг ўринбосари, техника фанлари доктори, подполковник Т. Абдуллаевга волидаи муҳтарамаси
Янглиш ая САИДУРОДОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдardлик билдирадидилар.

Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ИИБ Ички қўшинларига қарашли ҳарбий қисм сардори, подполковник С. Чориевга падари бузруквори
КОДИР отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдardлик билдирадидилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ИИБ бошлиги, майор Ч. Холлиевга сингисли
Пардахол ХОЛЛИЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадидилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ хузуридаги “Кўриқлаш” РБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Наманган вилояти Чуст тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиги, капитан Х. Саматовга онаси
ДИЛОРОМ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

**САХИЙЛАР
БАҲСИ**

Бир киши бошқасига уйни сотди. Янги хонадон соҳиби ҳовлидан кўмиб қўйилган хазина топиб олди. У олтин-кумушларни уйнинг илгариги эгасига олиб келиб:

— Уйингиздан мана булар топилди. Олинг, улар сизга тегишли, — деди.

— Агар хазина меннинг насибам бўлганида уй менга тегишли бўлган пайтда топиларди. Сизга насиб қилган экан, беҳижолат ишлатаверинг, — деди иккинчиси.

Иккови тортишиб қолишди. Ҳеч келишолмагач, қозининг олдига боришди.

— Эй, адолатли қози. Бизга бир масalani одиллик билан ҳал этиб беринг, — дейишди ва бўлиб ўтган воқеани баён этишди.

— Вояга етган, ҳали уйланмаган ўғлингиз борми? — сўради қози уйнинг илгариси.

ги эгасидан.

— Бор, — жавоб берди у.

— Сизнинг бўйи етган қизингиз борми? — сўради қози иккинчисидан.

— Бор, — жавоб берди у.

— Унақада икковингиз қуда бўлинглар. Сиз тилла-кумушларни қизингизнинг сени сифатида тортиқ қилинг, — маслаҳат берди адолатли қози.

Бу маслаҳат ҳар икки кишига ҳам маъқул бўлди.

**ИККИ
ҲАМРОҲ**

Атрофга шом чўкканда икки ҳамроҳ бир қишлоққа кириб келди. Оқсоқолни топиб, бир кечалик бошпана сўрашди.

— Меҳмон атои худо, — деди оқсоқол. — Бош устига жой топиб берамиз. Ошонларингизни ҳам бисёр қиламиз. Фақат бир шар-

Ҳикоятлар

тимиз бор. Мабодо уйқунгизда хуррак отадиган бўлсангиз, ўлимга мустаҳқисиз. Азалий одатимиз шунақа.

Мусофирлар рози бўлишди. Ўзларига ажратилган хонага жойлашиб, еб-ичиб уйқуга кетишибди. Кўзлари илиниши билан меҳмонлардан бири хуррак ота бошлабди. Шериғи хуррак овозидан уйғониб кетиб қулоқ солса, қишлоқ аҳолиси пичоқ чархлаётган эмиш.

Меҳмон уларни чалғитиш учун хуррак оҳангига мослаб қўшиқ айта бошлабди. Шунчалик баланд куйлабдики, хуррак овози эшитилмай қолибди. Одамлар пичоқларини бир четга қўйиб, рақсга тушиб кетишибди. Ашулаю рақс эрталабгача давом этибди.

Тонг отгач мусофирлар хайрлашгани қишлоқ оқсоқолининг олдига келишибди.

У меҳмонларга оқ йўл тилаб, бир ҳамён пул берди:

— Бу ажойиб қўшиқларингиз учун ҳада, — дебди.

Мусофирлар ҳадаини миннатдорчилик билан қабул қилиб, йўлга тушишибди. Қишлоқдан узоқлашишгач, уни қандай тақсимаш масаласига тортишиб қолишибди.

— Пулнинг кўпроғи менга тегиши керак, — дебди хуррак отгани. — Агар мен хуррак отмаганимга қўшиқ айтиш сенинг хаёлингга келмасди.

— Тўғри, — дермиш иккинчиси. — Лекин мен қўшиқ айтмасам сени ўлдиришарди-ку. Шунинг учун ҳадаининг кўпроғини мен олишим керак.

Униси у дебди, буниси бу дебди. Ҳарчанд баҳслашишмасин, бирор қарорга келишолмабди. Хўш, бу масалани сиз қандай ҳал қилган бўлардингиз?

ЭЪЛОН

**МУҲТАРАМ
ГАЗЕТХОНЛАР!**

Газетамизнинг шу йил 15 июль 29-сонида истеъдодли юртдошларимизни «ЭНГ ЯХШИ ШЕЪР», «ЭНГ ЯХШИ ДЕТЕКТИВ АСАР» ва «ЭНГ ЯХШИ СУРАТ-ЛАВҲА» йўналишлари бўйича «ИСТЕЪДОД» танловида иштирок этишга чорлагандик. Ўтган вақт мобайнида танловга юборилган кўплаб ижодий ишлар саҳифада чоп қилинди. Биз муштарийларимизнинг таклифларини инobatга олган ҳолда танловни 2004 йил 10 ноябрь куни эмас, балки 2005 йил 14 январда яқунлашни режалаштирдик. Берилган имкониятдан самарали фойдаланишингизда омад ёр бўлсин!

Кўшимча маълумот учун куйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 139-77-23, 139-73-88, 54-37-91.

... ВА НИҲОЯТ

**КИМ
ХАСТАЮ,
КИМ ТАБИБ**

Боязид Бистомий ҳазратлари жиннихона ёнидан ўтаётганларида бир табибнинг ҳовончада дори тайёрлаётганини кўриб дебди:

— Оилам олдида, кўпчиликл олдида, не дейин — Яратганининг олдида, гуноҳкорман. Шу касалимга қарши доринг бўлса бер.

Табиб сўзини бошлар-бошламас жиннихона панжарасидан қараб турган бир хаста овоз берибди:

— Тавбанинг томири билан истиффорнинг яроғини аралаштир. Қалб ҳовончасида тавхид тўқмоғи билан туйиб майдала. Инсоф ҳовончасида йўғир, ишқ тандирида пиширгин-да, бомдод билан шом орасида тановул қил. Албатта соғайиб кетасан.

Бистомий ҳазратларининг кўзлари жиққа ёшга тўлиб хитоб қилибдилар:

— Ё, раббим! Бу дунё хастахонасида не табибларинг бор!

**КЕЙИНГИ СОНДА
УЧРАШГУНЧА ХАЙР!**

КРИПТОГРАММА

1 6 7 12 -

12 8 9 3

4 2 1 8 11 10

1. Автомоболь кузов тури.	2. Француз адиби .3. Ёғоч борона.	4. Ижод фурсати.	5. Алаиға.	6. Хонадон.	7. Адабий жанр.	8. Аёл исми.	9. Катга хона.	10. Миср дарёси.	11. Илм асоси.	12. Етук от.	13. Дўппи ватани.	14. Бокс гольби.	15. Илмий аёл.	16. Шимоллий кутб маскани.	17. Хитойшунос мутахассис.	18. Дарахт.	19. Мурват.	20. Ранг.	21. Дур.	22. Музлаткич тури.	23. Нон тури.	24. Муолажа.	25. Тиқувчилик анжуми.
---------------------------	-----------------------------------	------------------	------------	-------------	-----------------	--------------	----------------	------------------	----------------	--------------	-------------------	------------------	----------------	----------------------------	----------------------------	-------------	-------------	-----------	----------	---------------------	---------------	--------------	------------------------

1. Ҳуқуқ илмининг жиноятларни очиш бўлими.
2. Ўзбек шоири, олим. 3. Физик зарра. 4. Дон маҳсули.
5. Куз меваси. 6. Юлғич.
7. Подшипник қисми. 8. Ов ити.
9. Уя. 10. Африка давлати. 11. Суворий.
12. Вақтинча берилган нарса. 13. Франция шахри. 14. Оби ҳаёт.
15. Мурод Муҳаммад Дўст романи. 16. Автомобиль маркаси.
17. Шамол. 18. Тонг шабадаси. 19. Ой. 20. Азиз неъмат.
21. Туркиядаги тоғлик. 22. Сибирь дарёси. 23. Матбуот жанри.

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 7. Ватанпарварлик. 10. Ге. 13. Шоҳ. 15. Бол. 17. Лата. 18. Адиб. 19. Су. 20. Ош. 22. Баракат. 26. Ари. 27. Нил. 29. Ага. 31. Макаров. 35. Ас. 36. Ат. 37. Лира. 38. Омин. 39. Суг. 40. Ван. 43. Ом. 45. Ҳайкалтарошлик.
Бўйига: 1. Какаду. 3. Ип. 4. Ов. 6. "Динамо". 8. Аг. 9. Ре. 11. Рота. 12. Мода. 13. Шаб. 14. Ҳаракат. 15. Бакиров. 16. Лит. 19. "Сўна". 21. Штат. 23. Ара. 24. Эл. 25. Па. 28. Исфарак. 30. Гагарин. 31. Мис. 32. Аруз. 33. Омад. 34. Вин. 43. От. 44. Ма. 46. Ле. 47. "Ра".
Ёйлар бўйлаб: 2. "Сангам". 5. Арарат. 41. Малака. 42. Қамаш.

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ
БИРЛАШGAN
ТАНРИИЯТИ**

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir
Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari **Erkin SATTOROV**

Mas'ul kotib **Rahmatilla BERDIYEV**

Navbatchi **Qobiljon SHOKIROV**

Sahifalovchi **Zokir BOLTAYEV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15.
139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001.
MFO 00421.

«Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-000670.
Bosilish — o'fset usulida.

- Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart
- Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
- Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosilishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosilishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Internet va xorijiy matbuot vositalarini asosida tayyorlandi.